


1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган



Сухбатдошимиз- Ҳамза тумани, Миркомил Миршаропов маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раиси Зухра ОБИДОВА.

АЁЛ ЮРГАН КЎЧАЛАР

- Зухра опа, келинларни кўлидан чой ичиб, набираларни бокиб ўтирадиган ёшда эҳсансиз. Тонг сарҳадан тун коронгусигача одамларни дарди билан юриш оғирлик қилмайдими?

- Дастлаб маҳаллада иш бошлаганимда хўжайиним: "Катта оила, мактаб ташвишлари, маҳалла югур-югурлари ҳаммасига улгуролмайсан. Кўй, шу ишингни йиғиштир", - деди. Аммо мен қилаётган ишимдан бирор марта ҳам нолимадим. Ҳам рўзгор ишига, ҳам маҳаллага вақт тоғдим. Аёлда шижоат бўлса ҳамма нарсага имкон топади. Фақат бунинг учун эркакиннинг қулфлари оча билиш керак.

- Одамларга сўзингизни ўтказиш, ўрни келганда икки оғиз насихат қилиб қўйиш учун ҳам жасорат керак бўлса керак?

- Ҳаттич етти йилдан буён маҳалламизда жойлашган 198-мактабда она-тили ва адабиёти фанидан дарс бераман. Маҳаллада яшаётган ёшларнинг аксарияти собиқ ўқувчиларим. Уларни феъл-атворларини беш кўлдай билман. Шунинг учун одамлар билан ишлаш менга қийинчилик туғдирмайди. Бир куни бир онахон 30 ёшга кирган ўғлидан шижоат қилиб келиб қолди. "Ўғлим йўлимга юрмаяпти. Хотинини кўп уради. Топган-тутганини кўчадаги машинталарига сарфлайди. Нима қилишни билмай қолдим. Узингиз бир гаглашиб кўринг", - дея илтимо с қилди. Мен: "Ўғлингизга айтинг, кечкурун ёнимга келсин, гаглашиб кўраман", дея аёлни тинчлантирдим. Каттиққўл ўқитувчилгимни маҳаллада кекса-ю, ёш яхши билишади. Вақти келса ўқувчиларини пешонасидан ўпиб сийлайман. Вақти келса қулоғидан чўзиб ҳам қўяман.

- Собиқ ўқувчингизни қандай тартибга қажирдингиз?

- Бу ёғи устозлик сирини.

- Катта-халиқ йиғилишларда, ҳатто ўзаро бир-биримиз билан ҳам тўй-матракаларни ихчам, камчиқим қилиб ўтказиш ҳақида кўп-кўп гапираимиз. Бу борада Президентимизнинг махсус фармони ҳам бор. Лекин ҳамон орамизда "Ким ўзарга" тўй қилиб, обрў орттираётган одамлар учраб турибди. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

- Кексаларимиз ҳар доим "топганларинг тўйга етказсин", - дея дуо қилишарди.

ди. Тўйлар бўлаётгани, хушхурсандчиликлар бўлаётгани бугунги турмушимиз тўқ, фаровон эканидан дарак беради. Аммо ҳамма нарсада ҳам меъёр бўлгани яхши. Яқинда Фотима - Зухра қизлар узатиладиган бўлди. Олдин Фотиманинг тўйи бўлди. Орадан кўп ўтмай Зухрани ҳам узатишди. Қизларнинг уйдагилар бир йилда икки маротаба дастурхон ёзиб, катта тўй қилиб бермоқчи бўлишибди. Маслаҳатчимиз Мукамбархон бундан хабар топиб, ўша хонадон соҳибларини маҳаллага қажирди. Уларга обрў оламан, деб ортиқча чираниб, қарзга ботгандан кўра ўз имконларига қараб камтарона тўй қилишларини маслаҳат бердик. Бизнинг фикримиз уларга ҳам маъқул келди. Кўнгил яқин одамлар учун дастурхон ёзишди. Тўй туғганича ўша ерда постда турган солдатдек турдик. Ҳеч ким ҳеч нарсадан нолимади. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди. Мухими куда холалар ҳам, келин-куёв ҳам хурсанд. Агар маҳалла фаоллари доимо хушёр туришса, "бор-товоғим, кел товоғим", "тўққиз-тўққиз" деган нарсалар секин-аста ўз-ўзидан аёллар ёдидан кўтарилади. Ахир бир парча материални деб юз кўрмас бўлиб кетган кудалар ҳақида ҳам эшитганмиз.

- Баъзи оилаларда қайнона-келин муносабатлари ўта жиддий тус олган пайтлари ҳам бўлади. Табиийки, буларнинг ечимини ҳам сиз каби маҳалла фаоллари зиммасида...

- Тунов кўни эндигина келинларим, набираларим билан овқатланиб тургандик, дарвозахона шовқин-сурон бўлиб кетди. Бир аёл кўйлақлари йиртилган, оёққўллари титраб-қақшаб, йиғлаганича уйга кириб келди. Маълум бўлишича қайнона ўғлини қайраган, ўғил келиб хотинини урган. Келинларимдан бири аёлни кўйлақларини тикди. Бири озгига иссиқ чой тутказди. Аёл ўзига келгач, етаклашиб секин уйга бордим. Аввал эркак билан, сўнг қайнона билан суҳбатлашдим. "Ўз қизингизни биров шундай тепкиласа, хўрласа нима қиласиз? Бу ҳам бировнинг фарзанди. Бир кўзлаб катта қилган боласи. Озгина меҳр берсангиз эртага бошингиз ёстиққа тегиб, куч-қувватдан қолганингизда ёнингизда бир қул-

тум сув тутадиган мана шу келиннингиз бўлади. Унинг юрагига туфламанг. Кўксидан итарманг", - деди. Хуллас уларни бир битимга келтирдим.

- Беш нафар фарзандни тарбиялаб, ўқитиб, оёққа тургазибсиз. Фарзанд тарбиясида нималарга кўпроқ эътибор берасиз?

- Ўғилларимнинг қўлига пул бериб кўчада бесабаб ўйнаб юришларига йўл қўймадим. Қизларимнинг қўлларига игна-ип бериб тиқишга ўргатдим. Қачон мен китоб-дафтарларимни йиғиб, дарс қилишни тўхтатсам, улар ҳам ўқишни тўхтатишарди. Мана ҳозир улар ҳам фарзандларига худди мендек тарбия беришяпти.

- Мана бу газеталар тахламига қараганда газета-журналлар ўқишга ҳам вақт топасиз шекилли.

- Турмуш ўртоғимнинг асли касби хайдовчи. Қўлига қайси газета ёки журнал тушиб қолса уйга олиб келиб менга беради; "Онаси мана бу мақолани келинларингга бер ўқишсин. Бунисини ўқувчиларингга ўқиб берарсан", - дейди. Ўқувчиларимнинг дунёқарашини фақат китобий илмлар билан бойитиб бормай, ҳаёт ҳақидаги тасавурларини ҳам бойитиб бораман.



- Сиз фаолият олиб борадиган маҳалла фуқаролар йиғинида аёллар саломатлигини яхшилаш борасида қандай ишлар йўлга қўйилляпти?

- Аёл хоҳ тadbиркор бўлсин, хоҳ олима бўлсин биринчи навбатда фарзанд тарбиялашдек масъулият унинг зиммасида. Шунинг учун қайноналар, хурматли эркаклар аввало оилада аёл учун соғлом муҳит яратиб беришлари зарур, деб биламан. Чунки бугунги аёл тарбиялаб вояга етказётган фарзанд эртанги келажак эгалари. Маҳалламиз аёллари доимо 18-оилавий шифохона шифокорлари, Лолаҳон Зухридиноова, Зухраҳон Солиевалар назоратида.

- Маҳалла, мактаб, Оила ҳамкорлигида йўлга қўйилётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

- Оқсоқолимиз Илёс ака Файзиев аёлларни уйда бекор ўтиришларига йўл қўймайди. Кенчагина 2 аёлни худудимизда жойлашган заводга, 7 нафар қизларни Турк-Қўшма корхонасига олиб бориб, иш билан таъминладик. 198-мактаб қошидаги спорт тўғраги иштирокчилари Хумоюн Мирзаназаров таэквондо бўйича Швецарияда ўтказилган мусобақада 1-ўрин соҳиб бўлиб қайтди. Шунингдек Рустам Азимов ҳамда Шоқобил Шоғазомовлар ҳам спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаб келишяпти.

- Бир аёл сифатида ҳаётда нималарга эришдингиз-у, нималарга улгуролмай қолдингиз?

- Аллоҳга шукр, менга мана шу умрни бергани, яшаш бахтига мушарраф этганининг ўзи бахт. Мени тушунадиган инсонларнинг борлиги бахт...

Зухра опа билан суҳбатлашган одамнинг кўнглида илқ туйғулар уйғонади. Маҳалла ахли айтганидек бу аёлнинг қадами теккан хонадонларда гул унади. Аёл юрган кўчаларнинг тупроғида

гул унади, Қўли етган майсаларнинг япроғида нур инади.

Қизчалари келин бўлар, ўғлонлари куёв тўра, Аёл юрган кечаларда юлдуз-

ОЙДАЙ тўлади. Нигора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.

УШБУ СОНДА

ТУРФА ОТА-ОНАЛАР БОР

3 бет

ИЛЛАТ

4 бет

УЧИНЧИ ОДАМ!...

5 бет

БЕСАБ ОТА-ОНА ҚУРБОНЛАРИ

13 бет

ОВҚАТ ҲАЗМ БЎЛИШИ

15 бет

ШОИРНИНГ УМР ЙЎЛДОШИ

Оиламиз
меҳмони



Марямжон опа таниқли шоир Матназар Абдулҳакимовнинг турмуш ўртоғи. Матназар оға ҳаётда нимагаки эришган бўлса, ўз ютуқларида умр йўлдошининг беназир ҳиссасини кўради. Гоҳо дўстлари ҳазиллашиб, "Матназар оғани Матназар оға қилган Марямжон опа-да", деб қўйишади. Бу айни ҳақиқат...

- Марямжон опа, одатда муборак ёшга ета туриб, босиб ўтилган умрнинг ҳар лаҳзасига назар соласиз. Ва яна кўнглингиздан нималардир ўтади. Бугун нималар ҳақида ўйлаясиз?

- Биласизми, мен нимани эслаяпман. Раҳматлик қайнотамнинг насиҳатини. Мулла Абдулҳаким ота ниҳоятда зиёли, саводли, элда обрўли инсон эдилар. "Қизим, дедилар ҳали келинчак бўлиб тушган кунларимнинг бирида, Матназар пулни билмайди. У шоир. Агар китоб сотиб олмоқчи бўлса, нон учун йиғиб қўйган пулингни қийналмасдан чиқариб бер". Ана шу икки оғиз сўз, бутун ҳаётим давомида қулгимга олтин зирак бўлиб тақилди.

Матназар оға мен учун Оллоҳ томонидан берилган бахт, азиз бир инсон.

- Матназар оға билан қандай танишгансиз?

- Даставвал, биз бир мактабда ўқидик. Кейин қандайдир сабаблар билан бошқа-бошқа мактабни тугатдик. Менинг отам Тожи қори мулла Абдулҳаким билан жўра эдилар. Дўстларнинг ўзаро келишуви бизнинг аҳд-паймонимизга асос солди. Мен ҳозир-ҳозиргача ушбу кунларга шукроналар айтаман. Матназар оғанинг "Лирика" деб аталган шеърини ўқиб яхши кўриб қолганман. Ушбу шеър унга бўлган меҳр-мухаб-

батимни янада юксалтирган. Институтда ўқиб юрган пайтларимда қизлар менга ҳавас билан қарашарди. Чунки Матназар оға тез-тез ёнимга хабар олгани келар ва янги шеърларидан ўқиб берарди. Мен унинг шеърларини ёдда қолдириб, кейинги келганида ўзига ўқиб берардим. Ана шу зайлда унинг ўзигагина эмас, ижодига ҳам қизиқшим ортиб борган эди.

- Турмуш ўртоғингизнинг қайси фазилатини қадрлайсиз?

- Ёлгон гапирмасликларини. Чунки умрида бирон марта ёлгон гапирмаганлар десам эҳтимол, ишонмасиз, лекин бу ҳақиқат. Биласизми, ҳатто, ёлгон яхшилик ва эзгулик учун хизмат қилса-да, тўғриси гапирдилар.

- Шоирни рашк қилганмисиз?

- Севмаган киши рашк қилмаса керак. Мен шоирни ҳаммадан рашк

Мукамал бу гўзаллигини, Ёниб қилгим келади таъриф. Бироқ не қилайки, қошингда, Энг қудратли каломлар ғариб.

Висолингни қилсам-да ҳавас, Меҳрим изҳор этмадим ҳеч вақт. Сен билан бир ҳаводан нафас, Олиш ўзи менга катта бахт.

Бир қайрилиб ташласанг нигоҳ, Юрак тўлар сўнмас зиёга... Сени бир бор кўриш-чун фақат, Келиб кетса арзир дунёга.

Шоирнинг муҳаббат мавзусидаги гўзал шеърлари жуда кўп. Мен эса биттаман.

- Меҳмонга чакирсалар бирга борасизми?

- Албатта. Мабодо менинг ҳам боришим керак бўлса, бораман. Матназар оғани дўстлари, шоғирдлари жуда кўп. Уни ҳурмат қилишади, тўй-томошаларда иззат билан тўрға ўтқизишади. Ундан янги шеърларини ўқиб беришини илтимос қилишади. Булардан ниҳоятда фохланиб кетаман. Шундай эрим борлигидан бахтиёрман ахир.

- Матназар оғанинг севган машғулоти нима? Қандай таомларни ҳуш кўриб истеъмол қиладилар?

- Китоб мутлоқаси. Ҳеч қачон оқват танламаганлар. Пиширганларимни ҳаммаша "ширин бўлибди, раҳмат", деб қабул қиладилар.

- Матназар оға жуда камтарин, самимий инсон. Буни биз журналистлар, дўстлари жуда яхши биламиз.

- Ҳа, жуда тўғри гапирдингиз. Инсон бир-бирига ҳар қуни ширин сўз айтишдан чарчамаслиги керак. Мен уни ҳаммаша тушунишга ҳаракат қиламан. У ҳам мени тушунади. Баъзан хаёллари билан йўлда кетаётиб бошини эгиб борсалар, танбех берган бўламан. "Дадаси ахир бошингизни тик тутиб юринг, оиласидан кўнгли тўқ эмас деб ўйлашмасин", дейман ҳазиллашиб. "Ахир бош оғир бўлса не қилай", дейдилар кулиб.

- Учрашувлардан бирида шоир ёшларнинг "Бўш вақтингизда нималар билан шўғуланасиз?" - деган саволига қуйдагича жавоб берган эди: - "Инсонда бўш вақтнинг ўзи йўқ. Ҳатто ухлаб ётганда ҳам кейинги кун учун куч тўплаш ҳаракати бошланади. Шунинг учун менинг бўш вақтим йўқ".



Ёшлик чоғларимиз...

қиламан. Лекин ҳеч қачон кўнглига беҳуда озор етказмаганман. Ёзилган шеърлар бари меники, менга аталган. Шу билан кўнглим мухташам. Қалбда улкан меҳр бўлмас экан, шоир ҳеч қачон ижод қилолмайди. Бу илоҳий неъмат. Уйга доим ижодкорлар келишади. Улар орасида аёллар, қизлар ҳам бўлади. Мухлислари - қизлар ёзган мактублар гоҳо қўлимга тушиб қолса, ҳечам ажабланмайман. Ҳақиқатнинг юзига тик қараш керак. Матназар оғага беҳуда озор беришдан нима фойда. Яхши кўрган инсон ҳаммасига чидайди ва тўғри қабул қилади. "Бахт" шеърда шундай мисралар бор:

ҳамиша тушунишга ҳаракат қиламан. У ҳам мени тушунади. Баъзан хаёллари билан йўлда кетаётиб бошини эгиб борсалар, танбех берган бўламан. "Дадаси ахир бошингизни тик тутиб юринг, оиласидан кўнгли тўқ эмас деб ўйлашмасин", дейман ҳазиллашиб. "Ахир бош оғир бўлса не қилай", дейдилар кулиб.

- Учрашувлардан бирида шоир ёшларнинг "Бўш вақтингизда нималар билан шўғуланасиз?" - деган саволига қуйдагича жавоб берган эди: - "Инсонда бўш вақтнинг ўзи йўқ. Ҳатто ухлаб ётганда ҳам кейинги кун учун куч тўплаш ҳаракати бошланади. Шунинг учун менинг бўш вақтим йўқ".

- Ҳа, Матназар оға жуда кўп ишлайдилар. Вақтини ҳаммадан қизгандилар. Пахлавон Маҳмуд, Махтумқули шеърларини форсийдан ўзбек тилига ўғириб юрган пайтларида ҳатто ухламаганлар, десам муболага эмас. Ахир ухламасдан қандай қилиб яшаш мумкин, деб ўйлардим. Аммо Оллоҳ қувват бераман деса, оппа-осон экан.

- Болалар кўпайиб қолгандан кейин баъзи эрлар хотинларини уйда қолдиришга ҳаракат қилишади...

- Матназар оға ишлашимга ҳеч қачон монелик қилган эмаслар. Шунинг учун аввало мактабда, сўнгра Урганч туманидаги 1-болалар боғчасида услубий, қарийб 25 йил мазкур боғчада мудирлик қилдим. Мана ҳозир қариллик гаштини суриб, невараларга бош бўлиб ўтирибман.

- Гоҳо, ноёб истеъдод фарзандлардан бирига насл орқали ўтади, дейишади. Бугун ўғил-қизларингиз орасида Матназар оғага ўхшайдигани борми?

- Фарзандлар камолотини кўриш ҳар бир ота-онанинг орузи-умиди. Матназар оға билан турмушимизнинг ўтган қирқ йилида бир-бирдан ширин, қобил фарзандлар тарбияладик. Қизимиз Латофат педагог, Мавлуда эса тарбиячи, ўғилларимиз Музаффар ва Умарбек тадбиркор. Ўн нафар неварамиз бор. Невараларимиздан Назокат ва Сабоҳат жуда ёш бўлишларига қарамадан ёддан шеърлар ўқишади. Бир мар уқилган шеърни ёддан айтиб беришади. Шунинг учун келажақда улардан нимадир чиқса керак.

- Марямжон опа, илоҳим бошингиз омон бўлсин. Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат.

Дилбар БЕКЖОНОВА
(Шоир Матназар АБДУЛҲАКИМ шеърлари билан 11-бетда танишасиз).



Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида Сурхондарё вилоятининг Денов туманида қад ростлаган тиббиёт коллежида 4 йўналиш бўйича талабалар таълим олишадди.
СУРАТДА: коллеж талабалари.
Шавкат СУЛТОН олган сурат.



«Ёшлар йили» Дастури асосида Хива шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёш аёллар тадбиркорлигини йўлга қўйиш, қизлар тарбияси каби масалалар қўмитанинг диққат марказида. Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси О. Абдуллаева, туман "Маҳалла" жамғармаси раиси Д. Қутлиева навбатдаги тадбирни амалга оширишмоқда.
Абдулла САФОЕВ

Мен узоқ йиллардан буён олий ўқув юртида ўқитувчилик қиламан. Баъзида талаба ёшлар билан дарсдан ташқари суҳбат қуришимизга тўғри келиб қолади. Бу суҳбатларимиз асосан талабанинг туғилиб ўсган оиласи, ота-оналари билан ўзаро муомала-муносабатлари ҳақида бўлади. Шундай пайтлари талабаларимдан бири афсус-надомат билан бош чайқайди. Яна кимдир болалиги чиройли ўтганидан қувониб сўзлайди. Ушбу мақолам ана шу суҳбатларга асосланиб ёзилди. Қиссадан ҳисса чиқариш эса ўзингизга ҳавола, азиз ўқувчим!

АДХАМЖОН:

- Мен ўз отамни, унинг оталик меҳри билан эркалаганларини эс-эс биланман. Отам ишдан келгандан сўнг, албатта, мени ўз ёнига чорлаб, бошимни силарди, турли ширинликлар бериб, мени хурсанд этарди. Бирок, бу меҳрибонлик узоққа чўзилмади. Отамиздан мен 4 ёшимда етим қолганман. Шундан сўнг меҳрибон онажоним билан бирга қолдик. Орадан икки йил ўтгач, онам қишлоғимизда-

қанчалик тўкинлик яратган бўлса, бунга ўз меҳнати билан эришган. Ҳаммамизни меҳнатга, яхши ўқишга, одамгарчилик ва инсоф юзасидан иш кўрадиган кишилар қилиб етишимизда камарбаста бўлган. Оиламиздан учта олий маълумотли ўқитувчи, тўртта тиббиёт ходими, битта ҳайдовчи етишиб чиқди. Ундан ортиқ набира ўрта мактабда, биттаси политехника институтида, биттаси коллежда ўқимокда...

озлик қилгандай, эллик ёшдан ошган отам қишлоғимиздаги эри ўлган бир саатанг аёлга илакишиб, унга уйланаман, деб дағдаға қилади. Уятдан ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсам, дейман. Бечора онам жуда озби кетган, рангпар, бемажол. Унга жоним ачиб, кечалари кўз ёшим оқади, юракларим пора бўлиб кетади...

САНОБАР:

- Оталар ҳам хар хил бўларкан. Менинг падари бузрукворим, эсимни танибманки, ҳеч қачон насиҳат қилмаган, бирор ишимга яқиндан ёрдам ҳам бермаган. Доимо жаҳл билан сўкиб гапирардики, озгидан чиққан ҳақоратларни тилга олиб бўлмайди. У ҳеч қачон ўқишимга, қилаётган ишимга қизиққан эмас. Қиш кунларининг бирида дарсдан қайтгач, кир ювдим. Отам нимадандир гашланиб: "Сен мағзавани қор устига ағдарибсан", - дея мени қувлаб кўчага

МУЛОҲАЗА
МУШОҲАДА
МУНОЗАРА

ҲАКИМАХОН:

- Қулоғимга чалиншича, отамнинг номини "Одил шайтон" дер эканлар. Мен ёшимга етар-етмас отам қайси гўрдан суюқлик бир ўйнаш топиб, бизни ташлаб кетган. Ушандан бери кўп йиллар ўтди. Кейин бу бағри тош отани бировнинг тўйида тасодифан кўрсатишди. Мен улгайганимдан буён уни биринчи кўришим эди. Бир йил ўтиб иккинчи марта у билан учрашиб қолдим. Бу сафар уни "Олой" бозорида учратиб қолгандим. У билан енгил омонлашгач, суюнганимдан бозор ичкарисига ҳам кирмай, уйга қараб чоғиб кетдим. Ахир отам Ташкентга келибди, биздан, онамиздан хабар олади", деб ўйлаган эдим. Йўқ, у келмади.

Мана, йиллар ўтди, ундан дарак йўқ. Ҳатто онамни дахшатли ўлим олиб кетганида, таъзиясига ҳам келмаган. Ёлғиз қолган фариб бошимга шундай қора қуллар тушганида ҳам бағритош отам мендан бир марта ҳам кўнгли сўрамади. Бунинг ўрнига у менга орқаваротдан жуда аччиқ тухмат тошларини отди. Шунинг учун ҳам юрагимга қум каби тик қилган қуйқаларни бироз бўлса-да, тарқата олармиканман, деб сиз азиз устозга ҳижоа қилаётирман.

Айтинг-чи, отадан дунёга келиб, отанинг ҳеч бир меҳрини кўрмаган, унинг тузини тотмаган фарзанд уни "ота" дея оладими?

АКИДАХОН:

- Мен гамдийда онажонимга қараб, ич-ичимдан бўзлаб юбораман. Волидамиз доимо бизнинг келажагимизни ўйлайди ва отасиз ўсганимиздан афсусланади. Мен отамни ўйлаганимда ҳаёл суриб қоламан. У киши биз билан бирга бўлганда оилавий шароитимиз яхши бўлармиди. Онажонимиз ҳам гам чекмасдилар. Эҳ, отажон, шунчалар бераҳм, бемеҳрмисиз? Наҳотки, энди мен бир умр отасиз яшасам?! Ахир мен ота дуосисиз турмушга чиқиб, бахтиёр бўла олармидим? Тўғри, меҳридарё онажоним бизни оқ ювиб, оқ тараб тарбия қилди, вояга етказиб, ҳеч кимдан кам қилмади. Меҳрибон қўшнилари, азиз ўқитувчиларим, жондан яқин қариндош-уруғлар ота ўрнига ота бўлиб, бизни тарбия қилишди. Уларга ҳам чин юракдан ташаккур айтаман, биз уларни ҳеч қачон унутмаймиз. Аммо "ота" деганда кўнглимда муздай бир ҳис пайдо бўлади-ю, эзиллиб кетаман...

Махмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди.

ТУРФА ОТА-ОНАЛАР

ги бир кишига эрга тегди. Бу киши қорамолчилик фермасида ишларди. Ўғай отамнинг вафот этиб кетган хотинидан икки қизи қолган экан. Улар билан тез кундаёқ танишиб, иноқлашиб кетдик. Янги уй-жой, янги шарт-шароитда мен ўзимни анча кунгача бегонадек ҳис қилиб юрдим. Аммо ўғай отамиз олийжаноб, меҳрибон киши экан. Мен билан худди ўз фарзандидек муомалада бўлар, кези келса насиҳатлар қиларди. Шундан сўнг ўғай отамни "отажон" деб чақирадиган бўлдим. Ишдан чарчаб келганида биз пешвоз чиқиб салом берадик, ёстиққа ёнбошласа, оёқларини уқалар эдик. Дам олиб бўлгач, бизни хузурига чорлаб, ўз отам қандай меҳр билан эркалаган бўлса, худди шундай эркалар, қизикарли эртақлар айтиб беради. Аста-секин унга меҳр кўя бошладим.

Орадан йиллар ўтди. Мен мактабни тамомлаб, олийгоҳга ўқишга кирганимда отам: "Ўғлим, ҳамма вақт ҳалол ўқигин, ҳеч қачон одамлар ҳаққига хиёнат қилма. Кишилар билан яхши муомалада бўл", деб насиҳат қилганди. Отажонимнинг шу сўзлари ҳозир ҳам қулоғим остида жаранглайди. Мен умримнинг охиригача меҳрибон отамнинг ҳурматини жойига қўйишга аҳд қилганман.

МАШРАБЖОН:

У Андижоннинг Ерқишлоғида ўсиб-улгайган. 10 гектар ерни ижарага олиб катта боғ яратган етмишдан ошиб саксонни қоралаган отаси Обиджон ака ҳақида тўқтинлашиб шундай дейди: "Отам оиламизда

САРВАР:

- Тўрт ёшга тўлганимда оиламиз бошига онасизлик кулфати тушди. Тасодифий фалокат туфайли етти фарзандни ўстирган онажонимиз бевақт ҳаётдан кўз юмди. Бу фожеа оиламизни остин-устун қилиб юборди. Айниқса, дадам бечорага жуда оғир бўлди. Улар бизга ҳам оталик, ҳам оналик қилар, гам-ҳасратга тўлиб, баъзан кечалари кўз ёш қилар эди. Кўп ўтмай аҳволнинг оғирлигини ҳис қилган яқин қариндошлар бизларга она топишдек хайрли ишга бош қўшилди. Янги она уйга келгач, биз йўқотган онамизни топгандек бўлдик. У бизларни вояга етказди, ўқитди, уйлантириб уйлajoйли қилди. Меҳрибон отам бот-бот: "Энг аввало, зиммандаги юмушингни пухта бажар. Ҳар қандай шароитда ҳам фақат тўғри гапир. Агар бирор нарса илнжинда ёки бир кимсага яхши кўриши ниятида ёлгон ишлатсанг, айёрлик қилсанг, албатта юзинг қора, ўзинг шарманда бўласан", - дея насиҳат қиларди. Ҳаётнинг гул фаслини, бор саломатлиги, куч-қувватини бизлар учун сарф қилган ҳар иккала меҳрибонларимизни бир зум унутиб бўлармикан?

АБДУКАХХОР:

- Дадамиз оймимизни ҳеч ҳурмат қилмайди. Ҳар куни ичиб келиб, оймимни ёмон гап билан сўкиб, ургани-урган. Бечора ойм ўзини ҳимоя қилиш учун кўшниларикига қочиб чиқади. Бу ҳам



БОР

чикди. Кўчада эса бир тўда хотинлар ўзаро суҳбатлашиб турган эканлар. Отам ўшалардан ҳам сира уялмай, мени тутиб олиб тарсаки туширди, ёмон қарғишлар ёғдирди. "Сени оқ қиламан, уч кун астойдил қаргасам, ер тишлаб қоласан", деб ўдагайлади. "Сен тенгилар ишлаб пул топапти, сен эса текинхўрсан", деб таъна-маломат қилгани-қилган. Ахир энди 9-синфга кўчган бўлсам, ишлаб қаердан пул топишим мумкин?

қимдан кам қилмади. Меҳрибон қўшнилари, азиз ўқитувчиларим, жондан яқин қариндош-уруғлар ота ўрнига ота бўлиб, бизни тарбия қилишди. Уларга ҳам чин юракдан ташаккур айтаман, биз уларни ҳеч қачон унутмаймиз. Аммо "ота" деганда кўнглимда муздай бир ҳис пайдо бўлади-ю, эзиллиб кетаман...

ЎТГАНЛАР РУҲИНИ БЕЗОВТА ҚИЛМАЙЛИК!

Шахсий фикр

Турмушда, ишда, турли инсонларга дуч келамиз. Баъзи одамлар билан муомала-муносабат қурганда, халқимизнинг: "Букрини гўр тузатади", деган ҳикматли сўзи нақадар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

82 ёшли онахон эрта баҳор пайти вафот этди. Одатдагидек орадан бир қанча вақт ўтгач, икки ўғли онаизорининг қабрини зиёрат қилгани боришди. Бу ерда юз бераётган ҳодисани кўриб дахшатдан ларзага келишди. Она қабрининг устида 3 та қорамол зўр бериб шохлашар, қабр тўпроғи теп-текис бўлиб кетганди. Ўғиллар мол эгасини чақириб, қабрни кўрсатишди. Эгаси: "Кўрмай қолибман, энди

киргизмайман", деб уйига жўнади. Ака-укалар уйларида кетмон олиб келиб, она қабрини яна қайтадан кўриб қўйишди...

18 ёшли ўғлидан жудо бўлган онаизор ўғлининг қабрига борди. Бориб, кўзларига ишонмади, қабрни мол туёқлари тешиб ташлаган эди. Онаизор дод-фарёд солиб, зор қақшаб қабрнинг тешилган жойларини қўлига илинган хас-чўп кесақлар билан бекитиб, йиғлай-йиғлай уйга қайтди. Икки ўғли билан етаклашиб бориб, маҳалла раисига арз қилиш-

ди, раис, посбон ва маҳалла фаоллари мол эгасини чақириб, насиҳат қилишди. "Бу аҳвол яна такрорланса, участка нозирига айтиб, жавобгарликка тортамиз", дейишди. Мол эгаси уйга келиб ака-укаларга дағдаға қилди: "Ҳой, қабристонни нега кўриқлайсанлар, жой термайди деб кўрқаясанларми? Кўрқманлар, икки метр жой тегади..." Катта ўғил босиқлик билан тушунтирмоқчи бўлди: "Ука, қабристонни кўриқламоқчи эмасмиз, лекин оёқостиде маълумоти, қабрларни кўрдинг, моллар босиб,

тепкилаб, теп-текис қилиб ташлабди. Бунга қандай чидаш мумкин?"

Йигит кўл силтаб нари кетди. Қишлоқ кексалари келиб насиҳат қилишди, участка нозирини "жарима соламан", деб пўписа қилди, аммо фойдаси бўлмади. Ўйлаб қоламан, наҳотки ҳаёт фақат яшаш учун еб-ичишдан, ётиб-туриб ўз қобиғига ўралиб яшашдан иборат бўлса? Бу оила кўни-қўшнилари билан борди-келди қилмайди. Дарвоқе, инсон ҳаётлик пайтида манкуртга ўхшаб яшаб ўтишидан нима фойда? Би-

ровларга, жамиятга фойдаси тегиш ўрнига ҳаммамнинг асабларини эгавлаб яшаса? Қабристон азиз жой. Уни топташга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин бунга тушунмаган, тушунишни истамаган кимсалар ҳам бор экан. Ҳурматли муштарилар, бу борада фикрларингизни билишни истардим. (Баъзи сабабларга кўра манзил ва исмларни айтмасликни лозим деб билдим).
Ўлбозор ХУЖАКУЛОВА,
Жиззах вилояти,
Бахмал тумани,
"Маданият" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси.

Яқинда туман марказига бориб қайтаётганимда автобекатда Юсуфжон деган бир танишимни учратиш қолдим: Анчадан бери кўришмагандик. Гапимиз бир жойдан чиқиб олдимиздаги ошхонага кириб, бир отамлашмоқчи бўлдик. Чой, ширинликлар тановул қиларканмиз, - Қандай, болалар катта бўлиб қолишди, - дея сўрадим. - Ҳа, каттаси йигирмадан ўтди. - Келин олдингми? Ё қиз чикардигинми? - Йўқ, иккита ўғилга қўш келин оламир деб юргандим. Ишлар тескарисига айланиб кетди. - Ие, нима жин урди? - Хотинга ўш фозиз ишониб, йигирма йиллик эри, тўртта боласи бор, деб кўнгул хотиржам юриб куйиб ўтирибман-да! - Шунчалик гафлатда қолдингми? - таассуф билдирдим. - Бу ҳаммаси бир йил ичида юз берди. Бир кун: - Дадаси, мен ҳам энди бозор қиламан - деб қолди. - Бозорда нима бор? - ажабландим. - Ҳамма нарсанг етарли. Бозорда бир сўм, икки сўм деб кун бўйи сарғайиб ўтирасанми? - Мен пул деб чиқмоқчи эмасман, - деди писанда билан. - Кейин бозорда майдалаб ўтиришга тоқатим ҳам йўқ. Бориб жойидан кўтара олиб келиб, бу ерда кўтара топширамиз. Шериклар таниш аёллар. Болалар катта бўлиб қолган. Мен ҳам шу бахона одамга қўшилиб, у ёқ-бу ёқларни кўрай дейман-да. Қарасам, шаштидан қайтмайдиган. - Бўпти, - дедим ноилоҳ. - Лекин ишинг юришмай қолса, ўша кундан йиғиштирасан. Ҳаммаси ўшандан бошланди. Зиёфатлари, гаплари кўпайиб борди. Ўзига оро бериб, пардоз-андоз қилишлари ҳам ғалати туюла бошлади. Уйдан ўз-ўзидан пул йўқоладиган бўлди. Болаларни сиқувга олсам, билмаймиз деб йиғлашади. Бир икки марта орқаваротдан шивиршивир гап ҳам эшитдим. Лекин бу пайтга келиб хотин ўзини шундай мағрур тутарди-ки, асоссиз, исбот-далилсиз бир нарса дейиш, нақд балога қолиш дегани эди. Бир кун чекки сменага кетишим олдиан: - Дадаси, - деб қолди. - Мен бугун анави Матлуба дугонаникига турилган кунга бораман. - Тез келасанми? - Мунча шубҳаланмасангиз? Узги билан икки соатда келарман. Одам деб айтиди, ахир! Ишонган бўлиб изн бердим. Ярим кечада ишдан келсам ҳали қайтмабди. Бу пайтда сўроқлаб биронинг уйига бориш ақлга сиғмайдиган иш эди. Нима бўлса, бўлар деб қуттишга қарор қилдим. Эрталаб туриб болалар билан но-нушта қилиб ўтирганимда кириб келди. - Дабдаба, тантана жуда зўр бўлди-ми? - дедим пичинг билан. - Ҳа, энди, - деди узрона. - Мехмонлар кўп экан, гурунқ қизиб кетди. Бари аёллар. Вақт алламаҳал бўлиб қолди, ёлғиз қайтишга кўрдим. Етиб борарсан деб қўйишмади ҳам. - Ҳўп, майли, - дедим бир нимани чамалаб. - Дам олиб келибсан, энди юр, бозорга борамиз. Рўзғорга харид қиламиз.

Бирга бозорга кириб бордик. Ўша айтган дугонаси ўрта қатордаги расталардан бирида пишириқлар сотарди. - Матлубахон, - дедим қаршига келиб. - Туғилган кунни жуда катта қилиб ўтказибсиз-у, дам олмасдан яна ишга чиқибсиз-да! - Сизга нима? - олдин гаши келиб, кейин ғазоби кўзга менга чанг солгудай бўлди аёл. - Мана бу дугонангиз кеча сизникига бориб ётиб қолган экан, - дедим хотинга ишора қилиб. Унинг ранги қув оқариб кетганди. Матлуба ҳам асабдан титраб кетди. - Тўғри, - деди. - Кеча туғилган куним эди. Лекин мен оилам билан нишонлаганман. Мехмон қақирмаганман. - Кейин менинг хотинимга қараб захрини сочди. - Сен нимага эгри ишларингга мени аралаштирасан? - Ўпкангни бос! - деди хотин бачадан келиб. - Эгрилигим-

канимга жон десин, - дерди хотиним. - Тўғри қиласан! - қўллади шериги. - Давр келганда ўйнаб қолиш керак! Нимага эркакларга мумкин-у, бизга мумкинмас? Бу гапларни эшитиб туриш қанчалик даҳшат бўлмасин, тишимни-тишимга босишдан бошқа чорам йўқ эди. Бостириб бораёй деса, бир ўзим ҳаммаларига кучим етмасди. Ўзимни сездирмай қайтдим. Бир соатлардан кейин хотин ҳам келди. - Қаерда эдинг? - деган сўроғимга бахона топа бошлаганди, кўрганларини эслатдим. У бетимга тик қараб: - Борибсиз, кўрибсиз, нимага ушлаб бўйинимга қўймадингиз? Демак сизда орият, эркаклик гурури йўқ экан-да! - Бу жавоб бошимга гўрзидек урилса-да, бу ҳақиқат қаршида оқиб қолдим. Қанчалик расво бўлмасин, айна дамда у ҳақ эди. - Бўпти, - дедим. - Янаги сафар исбот-далил билан ушла-

ни бутунлай унутвордим. Шарт бостириб келдим-да, столдан шишани олиб иккала эркакнинг бўйинларига, бошларига туширдим. Улар ширақайғимди ё менинг келишимдан эсанкираб қолишди, шу зарбалардан қарахт бўлиб қаршилик кўрсатишмади. Ана энди аёллар химоясиз қолишди. Иккаласини уриб, сочларидан бураб, тепкилаб, йиқитиб устларига столни тўнкариб қўйдим. - Қайтаётганим, чойхоначи йўлимни тўсиб қичди. - Акахон, бу нима зўравонлик? Стол синган, идишларни нима айби бор эди? Сиз зўр бўлсангиз, бизда ҳам куч бор! - Билганингни қил! - дедим қўл силтаб. - Анави қанжиклардан биттаси хотиннинг бўлганида, сен нима қилардинг? - Бўлди ака! - чойхоначи қўлини кўксига қўйди. - Бораверинг сизга гап йўқ. Мен за-


Йўл-йўлакай сўхбат

бўлмагани учун ажрашгандик.

- Ошна, - дейман мен жиддий ҳисоблайсанми? - Шу бўлиб ўтган воқеаларда озгина бўлса ҳам ўзиндан айб, хато ўтган деб ҳисоблайсанми? - Билмасам, - ўйга берилиб елка қисди Юсуф. - Айбим, унга тўлиқ ишонганим, эгрилик кутмаганим. Ўзим бир меҳнаткаш оиланинг боласиман, кино, китоблардагига ўхшаган ишқ-муҳаббатга йўлиқмаганман. Ишдан ташқари далада деҳқончилик қиламан, йил ўн икки ой бугдой, шולי узилмайди. Ҳовлида новвос, қўчқорлар боқардик. Қозон гўштсиз овқат кўрмасди. Болалар ҳам камчилик, қийинчилик кўрмай ўсишди. Топганини олиб келиб шу хотиннинг қўлига тутқазардим. Энди билсам, ортиқча эрк берворган эканман. Баъзи оилаларни билман, эрлари бир жойда ишламайди, лекин доим ичиб юради, бошқалари ишласа ҳам олдин ўзини парваришлайди, қурортларга боради, зиёфатлар уюштиради, ортса кейин оиласига сарфлайди. Ўшаларни хотинлари на аразлаб кетиб қолади, на хиёнат қилади. Яшаб юришади бориға чидаб. Мен шу вақтгача бирор бегона аёлнинг қўлини ушламаганман, эгри қарамаганман. Бу менга тақдирнинг зарбаси бўлди. Бошимга тушган кўргуликлардан бир хулосага келдим. Эркак қанча аёл билан кўнгулхушлик қилмасин, охир-оқибат ҳушини йиғиб олиб оиласига қайтаркан, албатта қабул қилишса. Лекин аёл... Бир марта бошқа эркак билан дон олишди, кейин минг афсуслансин, ўзини лаянатласин, шу ишга мойил бўлавераркан. Шунга ҳушёр бўлиш керакмикан?

ИШЛАТ

ни қачон, қаерда кўрган эдинг! Қарасам иккаласи юлишиб кетадиган. - Бўлди, бас! Тушунарли! - дедим-да, хотин билан уйга қайтдик. Келган биринчи марта хотинни суриштирмай дўппослаб кетдим. У эса жон аччиғида: - Майли, уринг! Ўлдириңг! Лекин менинг кўнглим тўғри! - деб дод соларди. - Кўнглинг қанақа тўғрилигини ҳозир дугонанг айтиди-ку! - дедим ҳансираб. - У қанжикни нияти эгри, - деди яна ўзини оқлаб. - Уникига бораётганим, йўлда танишлар учраб сумалакка юр, деб олиб кетишди. Дам есин ҳали бориб тегишимни олиб келаман, кўрасиз. - Сумалакка ҳам ҳаромни аралаштирибсан-да! - дедим захарханда билан. - Сизга ҳаромдир, - деди туси ўзгармай. - Мен меҳнат қилганман. Сумалак тайёрланган ҳовлига бориб суриштиришни эп кўрмадим. Борсам яна баттар шарманда бўлардим-да! Лекин кўнгулда шубҳа қолди. Яна бир кун иккинчи сменага ишга борувдим, иш бошқарувчимиз: - Бугун дам олинг, эртага бошқа сменага чиқасиз, - деб қайтарди юборди. Қайтиб маҳаллага келганимда соат чекки олтилар эди. Ёқубжон деган бир таниш учраб: - Юсуф ака, - деди. - Хотинингиз канал бўйидаги чойхонада ўтирибди. Кўнгулга гулгула тушиб уйга ҳам бормай тўғри ўша ёққа йўл олдим. Чойхонанинг ташқари ҳовлисида бурчақда уч эркак ва икки аёл, биттаси хотиним давра қуриб ўтиришарди. Жойимда тўхтаб сўхбатларига қулоқ тутиб кузатдим. Мени пайқашмади. - У овсар мен қиз болагимча - иккинчи хотин бўлиб тек-



рарни булардан ундирарман. Шу билан эр-хотинлигимиз яқун топди, деб судга ариза бердим. Бизга ярим йил муҳлат беришди. Собик хотин бундан қоникмай ишни қўшни туман судига ўтказди. Шунаси ҳам бўларкан. Мақсади — ахрим бўлган тақдирда уй-жой ва болаларга эғалик қилиш эди. Қарасам туман суди хотинга ён босишга мойил. Ҳаялламай вилоят судига мурожаат қилдим. Менинг даъволарим асосли топилиб иш шу ерда кўриладиган бўлди. Берилган муҳлат ўтиб судга бордик. У ерда унинг шаллақчилиги, вайсақилиги ҳаммани лол қолдирди. Суд раиси ҳам: - Ўрнингиздан тубери гапиринг, судда сўроқ бераясиз, - дейишга мажбур бўлди. Қилмишларини ҳеч бирини тан олмади. Гувоҳлар, айнисқа чойхоначи қақирилган ер тишлағудай бўлиб қолди. Шунда ҳам ётиб қолгунча отиб қолди, бетини без қилиб: - Мен аёл бўлсам ҳам одамман, яйраб яшагга, вақтида ўйнаб-қулишга ҳаққим бордир. Уйланаётганда боқаман, таъминлайман деб кафилга олган! - деди. - Мана энди, кўнгул тусаганча ўйнаб-қулишингиз мумкин, - деди судья. - Фақат таъминловчини ўзингиз топасиз. Лўлилик қилиб, ялиниб-ёлвориб кенжамизни ўзида олиб қолди. Мен алимент тўлашга рози бўлдим. Уйдан бадарга бўлиб, илгари ишчиларми, талабаларми турадиган эски ётоқхона бор, ўша ерга бориб суқилди. Қариндош, яқинлари ҳам бари юз ўтирган. - Бу сенга иккинчи хотин экан-да, - дедим мен Юсуф гапдан тўхтагач. - Ҳа, биринчи хотиндан бола

сам, ўзингдан кўр. - Яна бир ойча ўтди. Муносабатларимиз совиб бўлган, биз номига, четдан қараганлар учун эр-хотин эдик. Бир кун эрталаб ишга кетаётиб: - Бугун кечроқ келсам хавотирланма, бир-икки соатга ушланиб қолишим мумкин, - дедим. - Майли, яхши айтлаб қўйдингиз, - деди. Бир амаллаб иш вақтини ҳам тугатиб уйга қайтдим. Келсам хотин йўқ. Болалардан сўрасам, билмаймиз дейишди. Кўнгул ўз-ўзидан яна ўша чойхона томонга ундайверди. Пичок олиб қўйиниға яширдим-да, йўлга тушдим. Етиб бордим, ўша жой, ўша манзара. Бу сафар иккита эркак, хотиним ва олдинги сафардаги "дугонаси". Хотиним олдинги сафардаги ўтиришдан кейин мени қандай мот қилганини айтиб мақтанарди. - У галварс бўйинимга қўйиб ҳезланмоқчи бўлди, исбот қилолмай тилини тишлаб қолди. - Боғлабсиз! - ёнидаги эркак унинг тиззасига шাপатилади. Кўзларимга қон тўлиб қўрқув-

риб гапиринг, судда сўроқ бераясиз, - дейишга мажбур бўлди. Қилмишларини ҳеч бирини тан олмади. Гувоҳлар, айнисқа чойхоначи қақирилган ер тишлағудай бўлиб қолди. Шунда ҳам ётиб қолгунча отиб қолди, бетини без қилиб: - Мен аёл бўлсам ҳам одамман, яйраб яшагга, вақтида ўйнаб-қулишга ҳаққим бордир. Уйланаётганда боқаман, таъминлайман деб кафилга олган! - деди. - Мана энди, кўнгул тусаганча ўйнаб-қулишингиз мумкин, - деди судья. - Фақат таъминловчини ўзингиз топасиз. Лўлилик қилиб, ялиниб-ёлвориб кенжамизни ўзида олиб қолди. Мен алимент тўлашга рози бўлдим. Уйдан бадарга бўлиб, илгари ишчиларми, талабаларми турадиган эски ётоқхона бор, ўша ерга бориб суқилди. Қариндош, яқинлари ҳам бари юз ўтирган. - Бу сенга иккинчи хотин экан-да, - дедим мен Юсуф гапдан тўхтагач. - Ҳа, биринчи хотиндан бола

сам, ўзингдан кўр. - Яна бир ойча ўтди. Муносабатларимиз совиб бўлган, биз номига, четдан қараганлар учун эр-хотин эдик. Бир кун эрталаб ишга кетаётиб: - Бугун кечроқ келсам хавотирланма, бир-икки соатга ушланиб қолишим мумкин, - дедим. - Майли, яхши айтлаб қўйдингиз, - деди. Бир амаллаб иш вақтини ҳам тугатиб уйга қайтдим. Келсам хотин йўқ. Болалардан сўрасам, билмаймиз дейишди. Кўнгул ўз-ўзидан яна ўша чойхона томонга ундайверди. Пичок олиб қўйиниға яширдим-да, йўлга тушдим. Етиб бордим, ўша жой, ўша манзара. Бу сафар иккита эркак, хотиним ва олдинги сафардаги "дугонаси". Хотиним олдинги сафардаги ўтиришдан кейин мени қандай мот қилганини айтиб мақтанарди. - У галварс бўйинимга қўйиб ҳезланмоқчи бўлди, исбот қилолмай тилини тишлаб қолди. - Боғлабсиз! - ёнидаги эркак унинг тиззасига шাপатилади. Кўзларимга қон тўлиб қўрқув-

риб гапиринг, судда сўроқ бераясиз, - дейишга мажбур бўлди. Қилмишларини ҳеч бирини тан олмади. Гувоҳлар, айнисқа чойхоначи қақирилган ер тишлағудай бўлиб қолди. Шунда ҳам ётиб қолгунча отиб қолди, бетини без қилиб: - Мен аёл бўлсам ҳам одамман, яйраб яшагга, вақтида ўйнаб-қулишга ҳаққим бордир. Уйланаётганда боқаман, таъминлайман деб кафилга олган! - деди. - Мана энди, кўнгул тусаганча ўйнаб-қулишингиз мумкин, - деди судья. - Фақат таъминловчини ўзингиз топасиз. Лўлилик қилиб, ялиниб-ёлвориб кенжамизни ўзида олиб қолди. Мен алимент тўлашга рози бўлдим. Уйдан бадарга бўлиб, илгари ишчиларми, талабаларми турадиган эски ётоқхона бор, ўша ерга бориб суқилди. Қариндош, яқинлари ҳам бари юз ўтирган. - Бу сенга иккинчи хотин экан-да, - дедим мен Юсуф гапдан тўхтагач. - Ҳа, биринчи хотиндан бола

“Сенга инсоф берсин, учинчи одам!” 23-сон

ЭСАЛТМА: Бунаан бир неча йил алгари эрим бир рус аёл билан таъминлаб, уни пул билан таъминлаб турганди. Буни билиб қолганимдан сўнг эрим у аёлдан воз кечди. Аммо бекорга қувонган эканман. Эрим яна эски олашчи бошлаб, ёшироқ аёл билан таъминлаб олди.

Муаллиф: Гулбашакар

эрим ижара уй ахтаргани, уни севиб қолиб уйланганини таъкидлади. “Кейинчалик мени ташлаб кетдилар, бошқасини топиб олган бўлсалар керак”, - деб хўнг-хўнг йиғлади у. Л.нинг гапини бирга яшовчи эрдан ажраган синглиси В. ҳам тасдиқлар, ўзича кўшимчалар ҳам қиларди. “Ман ҳалол никоҳим билан яшадим”, - деб ўзини оқлади у, аммо бу никоҳ менинг розилигимсиз зино бўлишини бил-

ча, беҳаёл Л.: “Менинг биринчи эримнинг уруғи куюқ эди, сизиники суяқ, бола сиздан эмас”, дебди. Бу ҳақоратга чидалмаган эрим уни шапалоқлаб, уйдан чиқиб кетганча қайтиб қадам босмаган. Уни уйга қайтаришга уринишлари наф бермагач, менга хат ёзиб, иккимизни уриштиришни кўзлаган. Мабодо мен эримдан ажраб кетсам, уйсиз эр тагин менга қолади, деб ўйлаган бўлса керак у. Турмуш ўртоғим ваъдасига

АМОҲ АЖРИНГНИ БЕРАР, УЧИНЧИ ОДАМ!..

Қадрли Зумрадхон! Кўнгул кечинмаларингизни ўқиб ярам янгиланди. Асли вилоятликман, тақдир экан, тошкентликка турмушга чиқдим. Ётиқдошим уй-жойини олдинги оиласига ташлаб чиққани учун биз ижарада яшадик. Хомилардор бўлгач, эрим пул йиғиб уй олиши учун ота уйимга кетдим, ўша ерда қизчали бўлдим. Умр йўлдошим ҳар ҳафта хабар оларди. Қизим ўн бир ойга тўлган кунларнинг бирида онам уйга ранги ўчиб кириб келди-ю, кўлимга хат тутқазди. Ўқисам, аллақандай Л. исмли хотин ёзибди. Саводсизларча ёзилган хатда шундай сўзлар бор эди: “... кундошим. Сен эрингни нима қилиб юрганини биласанми? У аввал сенга, кейин менга уйланди. Энди эса бошқасини топиб олган. Мен қизингиз етим бўлмасин, деб виждоним қийналиб билдирдимман.



кўра қизимизнинг бир ёшга тўлиши муносабати билан бир хоналик уй сотиб олди. Бизни кўчириб келди. Аммо томошанинг зўри кейин бошланди. Л. аламига чидалмай ҳар кун менга кўнғироқ қилар, ҳақоратлар, эримни қақириб беришимни талаб қиларди. Л. шунчалик сурбетлашдики, аввалги эридан (балки эрларидан) бўлган болалари эримни соғинганини писанда қилиб, уйгача етаклаб келди. Унинг хурмача қилиқларидан тўйган эрим, унга қўл кўтаришга мажбур бўлди. Калтак еб кетган Л. баттар авжига чиқди. Номер курсатадиган телефон аппарати ўрнатгач, унинг кўнғироқларига жавоб бермай қўйдик.

Ҳурматли Зумрадхон! Мен оиламни сақлаб

Тез келинг, янги келинчақка қизингизни совға қилиб оборамиз. Сиз ва сизни қизингиз борлигини мен икки кун олдин билдим...” ва ҳоказо.

Биласизми, жисму ҳақонимни куйдирган бу хат ҳозир ҳам отамникида турибди. Отажоним ва машўум хатни фақат муносиб жой тополмай, ҳожатхонанинг тешигига тиқиб, устидан суваб, оқлаб қўйганлар. Ростини айтсам, ҳар ҳафта йўқловчи, эркалаб ардоқловчи эримнинг бундай қилишига ишонмадим. Эртасигаёқ боламни олиб Л.нинг уйига бордим. Ширакайф Л. суюниб кетди, эримни ёмонлаб, ўзини жабрдийда кўрсатди. Кейин умр йўлдошимни бу ерга телефонда чақирди. Эрим мени кўриб тахта бўлиб қолди, сўнг ўзини кўлга олиб, қизимизни эркалади. Мен хат орқали келганимни айтсам, Л. тонди бундан, ўзини меровликка солди. Мен униқанда қолиб, бор гапни билиш мақсадида унинг раддиясига эътироз билдирмадим. Эрим мени ташқарига имлаб: “Мен икковингиз ҳам аҳил кундош бўлиб яшайсизлар, деб шарт қўяман, сен кўнавер, чунки у сен билан боламизга тунда бирор ёмонлик қилишдан қўрқаман”, деди. Рози бўлдим ва ширакайф Л. билан ярим тунгача сўхбатлашдим, тўғррироғи уни эшитдим. Л.нинг нақ бешта боласи бўлиб, эридан кўнгули қолиб ажрашибди. Мен отамникига кетганимдан кейин

масди мутлақо. Эртасига Л.нинг онаси ва эрим кетмакет кириб келишди. Онаси кимлигимни билгач, қалтираб кетди. Л.ни қарғаб, бизга “Чиқиб кетинглар, бу болаларнинг отаси бор, ҳали қизим билан кувём бир-бирини кечиради”, деб чинқирди. Эрим мени таксида қайнонамникига жўнатди. Бахтни қарангки, таксичи ўша хотиннинг ён қўшниси экан. Кимлигимни билгач, ҳайратини яшира олмади: “Й-й-й-э, бу хотин ғирт “ҳалиги”- ку... Сизнинг эрингиз ё учинчиси, ёки тўртинчиси. Хали шу ифлосни деб болангизни етим қиласизми? Йигитчиликда бўлади-да бунақа бемазагарчиликлар. Сиз яхшиси эрингизни йўлдан урган ўша ифлоснинг шармандасини чиқаринг. Унинг кимлигини бутун маҳалла билади. Унга ким қўйибди беш бола билан бировнинг эрини тортиб олиб эр қилишни. Сиз отаси ишлайдиган мачитага бориб, имоғай айтинг, маҳаллага учранг, бурнини ерга ишқанг...”

Зумрадхон! Мен алам устида ажрашиб фикрида эдим. Худди шу гап туфайли фикримни ўзгартирдим. Л.нинг отаси ишлайдиган мачитага отам, холам, меъ ва болам билан бориб, намозга йиғилганлар олдида бор гапни тўқиб солдик. Л.нинг отаси қизи билан гаплашиш бефойдалигини, қизи унга қулоқ солмаслигини айтиб, узр сўради. Кейин биз маҳаллага учрадик.

Турмуш ўртоғимнинг айтиши-

Барчани мотам ўз исканжасига олди. Фожеанинг эртасига марҳумани дафн қилиш учун мазорга олиб бориб қўядиган бўлишди. Мазордаги қариндошлари хилхонасида жой қолмаган экан, бир чеккада хозиргина қазиб тайёрлаб қўйган гўр ёнидан гўрков унга ҳам алаб гўр қазиди. Ниҳоят ота-оналарни, эри билан чақалоқни, акин барча қариндошларни дод-фарёдга қўйиб, марҳумани уйдан олиб чиққиди. Мазорга етказиб келишди. Дарвозага яқинлашганларида одамлар билан ўралган бир томондан атрофи қизил бахмал билан ўралган бир тобутни, иккинчи томондан усти қизил бахмал билан ёпилган бошқа бир тобутни кўтариб ичкарига кирдилар. Икки тобутни ёнма-ён қўйиб, қўш жаноза ўқидилар. Шунда оталар, яқинлар ва бир пайтлар қуда-яндалчилик қилган уруғ-аймоқлар воқиф бўлиб қолдиларки, майитларнинг бири Гули, иккинчиси Ойбек экан! Фожеа бир зумда ҳаммага тарқаб кетди. Йиллаган ҳам йилгади, йиллаган ҳам йилгади. Ҳаёт давриларида Тохир ва Зухро эдилар, Тохир-Зухро қилиб дафн қилиндилар, дея ачиндилар, ўқиндилар...

Севиши, кўнгли бериш, муҳаббат шунчалар бўлурми?! Бизга маълум қилишларича, Гули туғруқхонада қазо қилганида ўша ерда хизмат қилувчи бир ҳамшира Ойбекни танигани боис унинг мобил телефонига кўнгирак қилиб фожеани айтган экан. Ойбек ўзидан кетиб, машинасини бошқара олмай қолиб, авария қилибди-ю, шу заҳоти у ҳам оламдан ўтибди. Ана тақдир! Ана қисмат! Бу фожеани ҳар ким ўзича мушоҳада қилиб кўрди, ўзича хулоса чиқарган бўлди. Ота-оналарнинг бесабрлиги ҳақида эса ҳеч ким ўйлаб кўрмади...

Азимжон ҚОСИМОВ

БЕСАБР ОТА-ОНА ҚУРБОНЛАРИ

ёр истаб қолди. Худди шу дамда университет кутубхонасида тақдир Гули ва Ойбекни бир-бирига учраштирди. Орадан баҳор ўтиб, ёз чилласи келганда уларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Кўнгилларидаги чечаклар ўрнини оқ, қизил, пушти атир гуллар эгаллади. Қалблар оромижон туйғуларга тўлиб-тошди. Гули ўз муҳаббатига китоблардагидек муносабатда бўлишни мақсад қилиб қўйди. Тўйдан кейинги ярашган куннинг эртасидан бошлаб Гули ўз танмахрамига "Бегим" деб юзланадиган бўлди. Икки гапида: "Азизим", "жоним", "бахтим", деган илик сўзларни ишлатадиган бўлди. Уғлиб хайрлашиш, ўпиб саломлашиш уларнинг кундалик одати бўлиб қолди. Ҳар иккала жуфт бир-бирларининг табиғатида зид ишлар ҳам, хатти-ҳаракатлар ҳам, гап-сўзлар ҳам қилмасликка аҳду паймон қилишди. Улар бахтли ҳаёт кечира бошладилар.

Шу зайлда икки йил ўтди. Аммо учинчи йилга келганда эса улар орасида совуқчилик пайдо бўлди. Улар ҳадеганда фарзанд кўришавермади. Гулининг қайнонаси Зулайхо хола бора-бора дурасини бошига қаттиқ тангиб олиб, ачимсиқ, кесатик гаплар қиладиган бўлиб қолди. Қайнотаси Нозимжон ака хотинини ҳарчанд босиб, инсофга чақирмасин уни қайриб ола олмади.

Шундай кунларнинг бирида Зулайхо хола: - Нима, яккаю ягона ўғлим фарзандсиз ўтсинми?! У билан олдинма-кейин уйланган палончи-пистончи ўртоқлари аллақачон бир-иккита ўғил-қизли бўлиб олишди. Ойбек ўғилнинг эса шу вақтгача бўйдоқдек сўлқиллаб юрибди, - деди овозининг борица.


- Шу пайт Гули ичкаридан чиқиб қолди. Қайнотаси андишага бориб, Гулига: - Ҳа, қизим, бугун хиёл кайфиятингиз йўқроқ кўринади? - деди келинининг кўнглини кўтариб қўймоқчи бўлиб. Гули:

ажратиб юборади...

Қайнонасининг бу фикрини Гули ҳар кун, ҳар он ҳис қилиб юрди. Бормаган жойи, кўрсатмаган дўхтири қолмади. Ҳаммасининг гаги битта: "Шо-шилманглар, бола кўрасизлар"... Бироқ, Зулайхо хола ва унинг сабр коссасини тўлдирувчи дўст-душманлар бунга тоқат қилмасдилар. Нима қилиш керак? Умр ўтапти. Салобат тўкиб турган уй-жойда, катта, кен ҳовлида қачонгача бола кулгиси қий-чув қилишиб елиб-югуришлари бўлмади. Катталар қачонгача бу хонадонга жим кириб, жим чиқшади?! Хурсандчилик, бешик тўйи, ақиқа қилишлар, меҳмон кутишлар бу уйда насаб этмайдими? Қачонгача?

Гули эзила бошлади. Ҳар қандай ўзига етмаганидай, одамларнинг фиску фасод гапларини айтмайсизми? Ниҳоят, китоблардаги ҳаёт бошқа, турмушдаги ҳаёт бошқа экан, деган қарорга келди. У кун сайин, ой сайин соғлиғини йўқота бошлади ва бора-бора Гули бу маҳобатли иморат орасида ўзини ожиз ва нотаъсон сезди.

Шундай кунларнинг бирида Гули қайнонасининг зуғумларига бардош бера олмай, ахирги ажратиб юборишларига розилик берди. Шовқин-суронсиз, уриш-жанжалсиз икки ёшнинг қонуний никоҳи ким билиб, ким билмай шу тариқа хотима топди...



ми, уларга розилик бериб, узатиб юборишди. Гули ўзининг юмшоқ феъл-атворига кўра тақдирга тан бериб, "бахти бир очилди-ю, сўлиди", деган нақлга итоат этиб, ота-онасининг иродасига қарши бормасди. Яна шуниси таажжублики, орадан икки ой ўтар-ўтмас, Гули ҳам хомиладор бўлди! Қувончи дунёни тутди! Ростданми? Йўқ! У севишига севинди-ю, аммо хомиласи севиб-ардоқлаб турмушга чиққан севиғилиси Ойбекдан бўлмаганига афсусланди. Бундоқ ўйлаб қараса, севаганидан болали бўлиш бошқа экан-у, ҳаёт тақозоси билан теккан умр йўлдошдан болали бўлиш бошқа экан! Афсус, минг афсус! Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Гули ўзини қўлга олишга бор кучи-

Ушанда Қулахмад ота сафар тараддудини эрта тонгда бошлади. Бисотидаги энг катта сумкани туршак, олма, анор ва ёнғоқ билан тўлдирди. Буларга ҳам кўнгли тўлмай, ўз боғидаги ҳар бит таси пиёладак келадиган, кеч қузда пишадиган шафтолидан узмоқчи бўлиб бораётганида, рўпарасида ўғли Ўқтам чиқиб:

- Дада, тонг қоронғусида нималар қилиб юрибсиз? - деди норози оҳангда.

- Болам, Нуротага бормоқчи эдим. Оғайниларга бу йилги шафтолидан ҳам териб олиб борсам дейман.

- Ахир, ўзингиз кейинги пайтларда тез-тез оғриб турибсиз-у, Нуротага қандоқ борасиз?

- Ўғлим, балким, бу охиригисидир. Охириги марта яна бир кўрай ўша тугилиб ўсган она юртимни, оғайниларимни...

Кулахмад ота адашмаган экан. Дарвоқе, бу сафари

охиргиси бўлди.

...Ўтган асрнинг 20 йиллари... Нуроталик Нурмаҳмад деҳқон оиласи ва 12 яшар ўғли Кулахмад билан тирикчилик кўида Зарафшон дарёси ёқаларида деҳқончилик қилиш учун кўч-кўрони билан Хатирчиға келади. Юрт бошининг қайтмас хотираларига етакларди...

Нуротадан 8 қақирим нарида жойлашган Хўжаобод қишлоғида Кулахмад болалининг энг ширин дамларини ўтказганди. Ўзига тинч ва бадавлат хўжаободлик чорвадор Зикрийхўжа-

га не-не кулфатлар тушмади. Кулахмаднинг бутун умри Зарафшон бўйларида ўтди. Ота-онасининг хоки Нуротага насаб этмай, мана шу жойларда қолиб кетди. Оилали бўлди. Бирин-кетин фарзандлар туғилди. Урушга бориб, қўш-қўш медаллар билан омон қайтди. Қолхозда масъул вазибаларда ишлаб, нафақага чиқди. Фақат бир нарса - тугилиб ўсган она-юрт меҳри бот-бот унинг юрагини алланечук қилиб, хаёлини болалик-

нинг қайтмас хотираларига етакларди...

нинг қайтмас хотираларига етакларди...

лар тўғрисида фарзандларига қайта сўзлаб беради ва чуқур бир хўрсиниб:

- Ҳа, бобонгиз ана шундай бир улуг юртда туғилган. Онам мен туғилганимда Нурбулоқ сувига чўмилтирган. О, қани

энди ўлганимда ҳам шу сувдан насиб этса... Армонсиз кетардим у дунёга...

- Ҳали ўлманг, бобожон, - дея неваралар чуғурлашарди.

- Эй, болаларим-ей, саксондан ўтаяпман-у, ҳамон бу дунёга тўймайман.

Воқеий ҳикоя

Уша масъуд дамлар тўғрисида фарзандларига қайта сўзлаб беради ва чуқур бир хўрсиниб:

- Ҳа, бобонгиз ана шундай бир улуг юртда туғилган. Онам мен туғилганимда Нурбулоқ сувига чўмилтирган. О, қани

энди ўлганимда ҳам шу сувдан насиб этса... Армонсиз кетардим у дунёга...

- Ҳали ўлманг, бобожон, - дея неваралар чуғурлашарди.

- Эй, болаларим-ей, саксондан ўтаяпман-у, ҳамон бу дунёга тўймайман.

Кулахмад ота ўзи айтганидай, Нуротага қайта келолмади. Урушдан олган асоратлар қариликда ўз таъсирини ўтказди. У ётиб қолди. Қулариди нури, юрагида жони, та-

сургани сурган.

Уша масъуд дамлар тўғрисида фарзандларига қайта сўзлаб беради ва чуқур бир хўрсиниб:

- Ҳа, бобонгиз ана шундай бир улуг юртда туғилган. Онам мен туғилганимда Нурбулоқ сувига чўмилтирган. О, қани

энди ўлганимда ҳам шу сувдан насиб этса... Армонсиз кетардим у дунёга...

- Ҳали ўлманг, бобожон, - дея неваралар чуғурлашарди.

- Эй, болаларим-ей, саксондан ўтаяпман-у, ҳамон бу дунёга тўймайман.

Кулахмад ота ўзи айтганидай, Нуротага қайта келолмади. Урушдан олган асоратлар қариликда ўз таъсирини ўтказди. У ётиб қолди. Қулариди нури, юрагида жони, та-

насида мадори қуриётган отахон фарзандларини олдиға қақириб:


- Болаларим, ҳаммаларингиздан розиман. Бандаликни бажо келтиришим яқинлашапти. Мени узлатга она юртим Нурбулоқ суви билан поклатиб жўнатсаларингизлардан умрбод розиман. Негаки, туғилганимда шу сувга... - деди-ю, бошқасини айтолмай мажолсиз хўнгради.

Бу васиятни эшитган фарзандлар машинада Нуротага равона бўлишди. Нурбулоқнинг зилол сувидан икки флакни тўлдириб олишди. Пешинга яқин манзилга етиб, отахон ётган уйнинг пойгагига киргизди. Илҳақ бўлиб тургандек Кулахмад ота ўша заҳоти омонатини топширди.

Саодат РАҲМАТОВА, Самарқанд вилояти, Нурота шаҳри.

ОВҚАТ ҲАЗМ БЎЛИШНИНГ БУЗИЛИШИ

Чақалоқнинг овқат ҳазм бўлиш тизимидаги бузилишлар ота-оналарни ташвишга қўядиган муаммолардан биридир.



Ота-оналар мактаби

Фақат она сути билан озиқланадиган чақалоқларда эса бундай муаммо одатда камдан-кам учрайди. Чунки она сути ўз таркибига кўра бола организмнинг талабларига ўла мос келади, қолаверса, ҳар бир чақалоқнинг эҳтиёжига қараб мослашиши ҳам мумкин.

Бундай болаларда ич келиши кунига 6-7 марта, навбатдаги эмизидан сўнг 30-40 дақиқа ўтиб кузатилади ва бу меъёрий ҳол ҳисобланади. Уларда овқат ҳазм қилиш тизими билан боғлиқ муаммолар фақатгина оналари овқатланиш тартибини кўпол равишда бузган ҳолларда кўзга ташланади. Яъни эмизикли боласи бор она кўп миқдорда ўта ёғли, аччиқ, шўр овқатлар, консервалар, таркибидо консервантлар бўлган маҳсулотлар, ширин газ сув, янги узилган помидор, бодринг, кўк пиёза, саримсоқ, хом ва тузланган қарам кабиларни истеъмол қилганида боланинг ичи кетиши, қорни дам бўлиши ва оғриши мумкин.

САБАБЛАР

Одатда кўкрак сути билан озиқлантириладиган болага кўшимча тарзда бошқа маҳсулотлар ҳам берилса бошланганда унинг ахлатида ҳам дарров ўзгаришлар кўзга ташлана бошлайди. Антибиотикларни қўллаш аксарият ҳолларда ичаклар биомуҳитининг бузилишига олиб келади.

Айрим ота-оналар одатда овқатланиш кундалиги юритиб, унда бола овқатлантирилган вақтни, унга берилган нарсаларнинг тахминий миқдорини (бу миқдор кўкрак сутига тааллуқли эмас, чунки ҳар сафар қанча эмишни чақалоқнинг ўзи ҳал қилади) ва организмнинг тегишли реакциясини қайд этиб боришади. Дафтарда боланинг кундалик рационига киритилган кўшимча озуқа тарзидаги барча маҳсулотларни акс эттириб бориш лозим. Боласини фақатгина кўкрак сути

билан боқаётган оналар бундай кундаликка ўз рационларидаги ўзгаришларни ҳам белгилаб боришса, фойдадан холи бўлмайди. Чунки она ёки бола кундалик рационидоги ўзгариш туфайли овқат ҳазм қилиш тизимида бузилиш бўлса, ёхуд аллергия реакция рўй берса, овқатланиш кундалигидаги ёзувлар бу нохушликлар сабабини тез аниқлашга ёрдам беради.

БУ МУҲИМ

Агар сиз фарзандингизга сутли аралашма ва бўтқалар берсангиз, гигиена қоидаларига ва маҳсулотнинг қадоқ идишидаги йўриқномага қатъий амал қилишингиз шарт. Мабодо сиз ўзошимчалик билан аралашма миқдори ва таркибини ўзгартиришни истаб қолсангиз (масалан, белгиланган меъёрдан кўра ўта суюқ ёки аксинча қуюқ қилиб тайёрласангиз), бундай нотўғри ўзгартиришлар биринчи галда бола ошқозони ва ичаклари фаолиятида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Чақалоқ организмга умумий таъсири эса мутлақо қутилмаган ва ўта нохуш бўлиши мумкин.

Агар харид қилган бирорта сутли аралашма ёки бўтқа чақалоқнингизга мос келмаётганини сезиб қолсангиз, дарҳол болалар шифокори билан маслаҳатлашинг. Шу асосда иш тутинг.

КЗИЛ, САРИК, ЯШИЛ

Бола ахлатининг ранги ўзгариши ҳар доим ота-оналарни ташвишлантиради. Бу табиий, албатта! Унинг кундалик рационига қизил лавлаги қўшилгани сабабли ахлатининг ранги қизғиш тус олган бўлса, хавотирга ҳожат йўқ. Аммо бу қизиллик ахлатнинг қон аралаш эканидан дарак берса, ташвишланмаслик мумкин эмас. Бола кунига одатдагидан кўпроқ, яъни 10 мартагача ҳожатга чиқса ва бунинг устига ахлати кўкимтир рангда бўлса, бу нарса унинг ошқозон-ичак йўлида муаммо борлигини аниқлатади. Патоген флора (жумладан, стафилококк

ва унинг тилларанг турини) аниқлаш учун ахлатни копрология ва дисбактериоз бўйича текширтириш лозим. Мабодо, таркибидо темир моддаси бўлган дорилар ёки бошқа кўшимча воситалар қабул қилмасангиз, дабдурустдан боланинг ахлати қорамтир-жигаранг тусга кирса, бунинг боиси ёпиқ қон кетиши бўлиши мумкин. Ахлатнинг оқибат рангда бўлиши жигар ва ўт пуфакда муаммолар мавжудлигини билдиради. Бундай пайтда тезда шифокор кўригидан ўтиш лозим. Дарвоқе, шу ўринда маълумот учун айтиб ўтишимиз керакки, гўшти таом ахлатининг рангини қорайтирса, сутли ва ўсимликлардан тайёрланганлари тиниклаштиради. Шу боис одатда туғилганидан то олти ойлик бўлгунча қадар чақалоқларнинг ахлати сариқ рангли бўлади.

КАМДАН КАМ ҲОЛЛАРДА...

Кўкрак сутини эмадиган чақалоқларда моддалар алмашинуви меъёрида бўлгани боис ҳожатга чиқиш ҳам ҳар кун одатдагидек бўлиб туради. Шундай болалар ҳам учрайдики, улар гарчи кўкракни эмишса-да, ҳожат икки кунда бир келади. Сунъий озуқа ва бўтқалар билан овқатлантириладиган бошқа бир гуруҳ чақалоқларда эса ошқозон-ичак тизими беҳато ишлайди. Гарчи бу ҳол камдан кам учраса-да, айнан сутли аралашмалар билан овқатлантирилган болаларда қорин дам бўлиши кўпроқ кузатилади. Энг муҳими, бола ўзини яхши ҳис этиши, қувноқ ва фаол бўлиши керак. Шу боис чақалоқларга етарли миқдорда ҳаракат ва сув зарур бўлади. Фақат кўкрак сути берилганда кўшимча тарзда сув ичириш шарт эмас (ҳаво қаттиқ исиб кетган кунлар бундан мустасно бўлиши мумкин): бола ўзига керакки миқдордаги суюқлик моддаларни она сүтидан олади.

Агар бола уч кун давомида ҳожатга чиқмаса, вақтни ўтказмай шифокорга мурожаат этиш лозим. Мустақил равишда муолажа қилиш, яъни болага сурги дорилар бериш, ичини ювиш, халқ табobati усуллари билан даволашга уриниш мумкин эмас. Бу нарса ўта кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

МУВОЗАНАТ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Болалар шифокорлари кунига бир неча марта энг жажжи чақалоқларни қорни билан ётқизишни, қорнини уқалашни, оддийгина кундалик машқларни бажаришни тавсия қилишади. Уйдаги ваннада мунтазам равишда суздириб туриш ҳам боланинг ичи келишини меъёрлаштиради.

Сал каттароқ чақалоқларга кўпроқ янги сабзавотлар, мевалар, қўқатлар, мewa ва сабза-

БУ МУҲИМ

Болага ичириладиган, ёки овқат пишириладиган ичимлик суви сифатли бўлишига эътибор қаратиш лозим. Яхшиси, шу мақсадларда ишлатиладиган сувни қайнатиб олиб фойдаланган маъқул.

вот шарбатлари, ўсимлик ёғи, бир кунлик қатик, қуруқ мевалар (айниқса, олхўри қоқиси ва ундан тайёрланган бўтқа), жавдари нон кабиларни бериб туриш лозим. Бола касал бўлганда, дорилар ичирилганидан сўнг, овқатланиши меъёри ва тартиби бузилганда, рухий-ҳиссий ҳаяжонлардан сўнг табиий равишда қорин дам бўлиши холатлари кузатилади. Афсуски, айрим ота-оналар жажжи фарзандларининг қорни дам бўлишини ваҳима билан қарши оладилар, уни ҳожатга чиқишга мажбурлашгача бориб етишади. Бу эса қутилганидан текскари натижа бериши, яъни болада сурункали қорин дам бўлиши касаллиги ривожланиб кетишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолда эса болани даволаш анча мушкул кечади.

АКСАРИЯТ ҲОЛЛАРДА...

Баъзида эса ота-оналарни боланинг ичи кетиши ташвишга солиб қўяди. Ич кетишининг сабаблари эса, одатда жуда кўп бўлади (хусусан, бактериял ва вирусли инфекция, ферментатив етишмовчилик, дорилар ичириш ва бошқалар). Баъзида эса бола хонадон ичида фаол ҳаракатлана бошлаган — эмаклайдиган, оёқда тик турадиган, бир-бир қадам ташлаб юрадиган даврда диарея кузатилиши мумкин.

Шифокорлар тили билан айтганда, "бир марталиқ", дарров яна ўз холига қайтадиган ич кетиши (диарея) ҳодисаси сизни хавотирга солмаслиги керак. Аммо боланинг ахлати тез-тез ўзгариб, ичи кетиб турса, бу ҳолат қайт қилиш билан бирга кузатилади, у нотинчланиб ва бўшашиб қолса, овқат ейишдан бош торта бошласа, вазн олиши сусайса, ҳарорати кўтариладиган бўлиб қолса, кўнгли айниқса, дарҳол шифокорга мурожаат этинг. Ич кетиши бошланган дастлабки кунлари боланинг иштаҳаси йўқолмаган бўлса, унга сунъий озуқалар беришда, айниқса эмизичида давом этиш керак.

Эмизикли боласи бор аёллар таомномаларига гуруч, нок, қуюқ қилиб дамланган чой ва шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда махсус дори воситаларини киритиши, ўз навбатида янги мewa-сабзавотлардан ва бошқа ич кетишига олиб келиши мумкин бўлган егуликлардан нафсини тийиши тавсия этилади. Болага ҳам қайнатилган гуруч ёки сувда қайнатилган гуручли бўтқа, димланган нок ва олма бериш мумкин. Сал вақт ўтган эса оқ нондан тайёрланган сухарилар, ширин бўлмаган печенье, олма пюреси, қайнатилган сабзавотлардан (жумладан, картошка ва гулкарамдан) тайёрланган пюре берса ҳам бўлади. Дарвоқе, ҳар қандай эзилган ёки қирғичдан ўтказилган егулик ичаклар бўшанишини бир қадар секинлаштиради.

Ич кетишининг сабаби нима бўлишиндан қатъий назар, ҳар қандай ёшдаги болага бу пайтда ситир сути, творог, суюлтирилмаган олма ва узум шарбати, қарам, бодринг, сабази, нўхат, шолғом ва турп сингари егуликларни бериш асло мумкин эмас.

Бемор болага қараш бўйича тавсиялар

→ **Болага** барча дорихоналарда шифокор рецетписиз сотиладиган махсус тузли эритмалардан оз-оздан ичириб туриш керак. Улар "тана сувсизланганда ичиладиган суюқликлар", дейилади.

→ **Агар** сизда тезгина дорихонадан тайёр тузли эритма сотиб олиб келиш имконияти бўлмаса, чақалоққа салгина ширинлаштирилган қайнатилган сув ёки суюқ тиндирилган чой ичирсангиз ҳам яхши қор қилади.

→ **Боланинг** ифлос бўлган тагликларни ва иштончаларини ивितिб қўйиш ва қайнатиш учун алоҳида идиш (тоғора ёки кастрюлька) ажратинг. **ДАРМОН тайёрлади.**



ҚОН БОСИМИНИ ТУШИРАДИ

Қон босими кўтарилиши сабабли пайдо бўлган қаттиқ бош оғриғини йўқотишга қуюқ ширин чой ёрдам беради. Бунинг учун 1 стакан чойга беш



дона қанд солинган. Чунки мия ҳаммиша глюкозага муҳтож бўлади. Бу чойни ичган бир неча минутдан сўнг қон босимини 170 дан 140 гача пасаяди.

АРТРОЗНИ ДАВОЛАШ...

Картошканинг қиш бўйи униб, кўкариб қолган ўсимталарини йиғиб олинг-да, шашага солиб устидан тўлдириб ароқ куйинг. У уч ҳафта турган, коньякнинг рангига ўхшаб қолади. Бу аралашма захарли бўлгани учун уни фақат суришгина тавсия этилади. Аралашмани кечкурун бўйинга суриб ётиш фойдалидир.

1 стакан асални бир шишача камфор ёғи билан аралаштирасиз. Аралашмани бўғинларга суриб, устидан жун рўмол билан ўраб қўясиз. Компресс эрталабгача туриши керак. Оғриқли жойларни ҳар доим иссиқ тутиш лозимлигини унутманг.

ПАЙ ЧЎЗИЛГАНДА

Кепакли ун ва асал қўшиб қорилган ҳамирдан қулча ясанг, ҳамирга озроқ мум



қўшиш мумкин. Оғриқли жойга қулчани компресс қилиб боғлаб қўйинг. Бу асалли қулча кечгача туриши керак.

ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗЛАР УЧУН

→ 1 ош қошиқ гречиха ёрмасини туйинг-да, шунча янчилган ёнғоқ магизини қўшинг. Ҳафтада бир кун фақат фақат шу аралашмани истеъмол қилинг. Керакли натижага эришиш учун бу аралашмани бир неча ой ейиш тавсия этилади.

→ Шунингдек, тури доривор گیёҳлардан қалқонсимон безлар устига компресс ҳам қилиш мумкин. Эман (қора дуба) пўстлогини қайнатиб, дамламай тайёрланг-да, буғланг. Шунингдек, дамланган эман пўстлогини докага солиб, бўйингиз атрофига компресс қилинг.

ТУМОВДА...

1 томчи алоз шарбатига 1 томчи ўсимлик ёғини қўшинг. Ушбу алозли ёғни эса ҳар бир бурун тешигига 1 томчидан томизиб, бироз ётинг.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

ЗИРАПЧАНИ ОЛИШ


Қўл ёки оёққа кириб, чуқур ўрнашиб қолган зирапчани олиб ташлаш анча мушкул. Лекин қуйидаги ванна зирапчани осон чиқариб олишга ёрдам беради. 5 ош қошиқ қончўп (чистотель) гиёҳи ва 1 ош қошиқ ош тузи устига 2 стакан қайноқ сув қуясиз. Қўлингизни ушбу қайноқ ваннага (сув қанча қайноқ бўлса шунча яхши) тиқиб, чидангунча ўтирасиз. Зирапча дарров чиқиб кетади.

ИММУНИТЕТНИ КЎТАРАМИЗ

Алоз шарбати (гўшт майдалангандан ўтказиб сузиб оласиз), асал ва кагор виноси тенг миқдорда аралаштирилиб, ошқозон оғригандан истеъмол қилинади. Бу шифобахш аралашма узок чўзилган шамоллашни даволашда ҳам ёрдам бериб, иммунитетни кўтареди. Аралашмани ҳар кунни уч маҳал, 1 ош қошиқдан ичилади.

ПИЁЗ ҚАДОҚНИ КЕТКАЗАДИ

Унча катта бўлмаган пиёз устига тўлгунча сирка куйинг. У бир кеча туриши керак. Кейин



бир бўлак пиёзни сиркадан олиб, қадоқ устига боғлаб қўямиз. Эрталаб эса қадоқни бутунлай қириб ташлаш мумкин.

ХУШ КАЙФИЯТ УЧУН - ТУРП!

Хатто Гиппократ ҳам турп кайфиятни яхшилашини таъкидлаган. Чунки турп еган кишида шиллиқли сафрони кўчиши фаоллашади. Турп танадан сафро ва хилтларни чиқариб ташлайди. Мабодо сийдик пуфагида тош бўлса, турп аксинча зарар келтириб, сийдик йўлини тўсиб қўйиши мумкин. Бу эса хавфли. Сийдик пуфагида тош бўлмаган кишилар қора ёки яшил турпдан салатлар қилиб ейишлари керак.

ДАСТОРГУЛ ЎСТИРИНГ!

Дасторгулнинг (герань) устки баргларида 5-6 донасини майдалаб, устига ўсимлик ёғидан қуясиз. Бир ҳафта ёпиқ жойда сақлайсиз. Бу аралашмани овқатдан олдин 1 ош қошиқдан ейилади. Бундай ёғ йўтал, томоқ оғриғини тез тузатади. Шунингдек, хоналарда дасторгул ўстирсангиз, уй хавосини микроблардан тозалайди.

ШИФОБАХШ БУФ

Ўпкангиз шамоллаганда, узок чўзилган йўтал ва грипни даволаш учун ҳар кунни ҳеч бўлмаганда икки маҳал эрмон (польнь) билан буғланг. Буни тайёрлаш учун 1 литр қайноқ сувга бир ҳовуч эрмон гиёҳини таш-

лаб, паст оловда бироз қайнатиб олинг-да, устингизга қалин сочқ ёпиб буғланг. 10 минутлик бу ванна нафас олиш йўлларидаги микробларни йўқотади.

ҚЎЛИНГИЗ ЁРИЛСА...

Қотиб, дағаллашиб кетган қўл терисини сули бўтқаси билан даволаш мумкин. Сули бўтқасининг ортиб қолганини кечкурун қўлларингизга қалин қилиб суриб, устидан резина қўлқоп кийиб ётинг. Эрталабгача қўлларингиз анча майинлашиб қолади.

БОДГА ҚАРШИ...

Қора ундан ҳамир қориб, қулча ясайсиз. Белга скилидар ёғи суриб, оғриқли жойга қулчани боғланг. 40 минут туриши керак. Агар у белингизни жизиллатса ҳечқиси йўқ. Бу вақтида муолажа қилини ошириш учун 0,5 чой қошиқ асал қўшилган 1 стакан сут ичинг.

ҚАБЗИЯТДА ОЛМА ЕНГ!

→ **Карам+олма.** Пўсти арчилган олмани қирғичдан чиқариб, тузланган карам билан тенг миқдорда аралаштирасиз. Бу аралашмани ҳар кунни эрталаб, оч қоринга 0,5 стакандан ейилади.

→ **Кефир+ёғ.** 1 стакан янги кефирга 10 грамм ўсимлик ёғи аралаштирилади. Сўнг яхшилаб аралаштиригач, уйқудан олдин секин-секин ичасиз.

→ **Асал эритмаси.** 1 ош қошиқ асалга қайнатиб совутилган сув қўшилади. Бу асалли аралашмани ҳар кунни эрталаб оч қоринга бўшаширувчи восита сифатида ичасиз. Ёки асални олма шарбатига эритиб (бир кунлик меъёри 80-100 грамм бўлиши керак) кунга 3 маҳал, овқатдан олдин истеъмол қилинади.

ОҒРИҚНИ ЙЎҚОТАМИЗ!

Пай чўзилганда ёки эт узилганда хом картошка босилса тез тузатади. Ёки қирғичдан чиқарилган хом картошкани тузланган карам, пиёз ва шакар билан аралаштириб, кечкурун компресс қилинади. Яна бир усул: Бир неча қават қилиб буқланган дока ёки юмшоқ сочқини саримсоқлиёз шарбатига ботиргач, устига 1 дона лимон шарбатини сиқиб, оғриётган бўғин устига босиб қўйинг. Компресс тана ҳароратида илигунча тури-




ши керак. Сўнг яна саримсоқлиёз шарбатидан тайёрланган совуқ компресс боғланг, у то оғриқ пасайгунча турсин.

→ **Агар пай чўзилиши ва эт узилиши, шамоллаши жараёни кечса:** 1 дона ўртача катталикдаги пиёзни эзиб, 2 чой қошиқ шакар билан аралаштиринг. Бу бўтқани оғриқли жойга компресс қилиб боғлаб қўйинг.

ДИЛБАР ВА БАСИРА ТАЙЁРЛАШДИ.

ҚОВУН

Қовуннинг уруғидан гижжаларни йўқотишда яхши восита сифатида фойдаланилади. Бунинг учун 2 ош қошиқ қовун уруғи майдаланиб устига 0,5 литр қайноқ сув қўйиб, ўраб, дамлаб қўйилади. 3 соат ўтгандан сўнг чой ичгандек кун давомида ичилади. Ундан ташқари қовун уруғларидан буйракдаги тош-



ларни туширишда ҳам қўллаш мумкин. Бунинг учун 100 гр. қуритиб майдаланган қовун уруғига 0,5 литр спирт солиниб, уй ҳароратида ва қоронғи жойда уч ҳафта давомида ҳар замонда бир марта аралаштириб қўйиб қўйилади. Шундан сўнг қунига уч марта овқатдан олдин 25-30 томчидан ичилади.

Буйракдаги шамоллашни даволашда қовуннинг магзидан ҳам фойдаланилади. Бунинг учун қунига 1-2 марта ширин қовундан 50-100 грамдан истеъмол қилинади ва аста-секин бу норма 200-300 граммгача оширилиб бир неча кун давомида қабул қилинади.

Аммо қовунни қанд, ошқозон ва ичак яраси касалликларида, эмизикли боласи бўлган аёллар ва ич кетиш ҳолларида қўллаб бўлмади.

ТАРВУЗ

Тадқиқотчиларнинг фикрича тарвузнинг 80% сув бўлгани билан қолган 20% таркибда инсон танаси учун фойдали моддалар бор экан.

✓ **Қонда** кислота миқдорини камайтириб, ишқор миқдорини оширади ва бу ҳолат ўз навбатида буйракдаги тошларни эриб кетишини таъминлайди.

✓ **Қон босими** баланд бўлганда холестерин моддасини камайишини таъминлайди.


✓ **Ичаклар,** қориндаги ҳар хил санчиқ оғриқларини камайтириб, фаолиятини яхшилади.

✓ **Меъёридан ортиқ** вазнга эга бўлган инсонлар кўпроқ тарвуз истеъмол қилсалар меъдани тўқ сақлайди ва бу билан кетирганидан ортиқ овқат еб қўйишдан сақланиш мумкин.

✓ **Қон томирлари** хаста кишилар доимий тарвуз истеъмол қилиб юрсалар таналаридаги кислота ва ишқор тенглигини меъёрида сақлашга эришадилар ва бу билан ўз хасталиklarини аста-секин даволай оладилар.

ОЛМА

Ошқозонда овқат хазм қилиш фаолияти бузилиб, овқатлангандан сўнг оғирлик сезилаётган бўлса кўпчилик ош содаси



истеъмол қилишга ҳаракат қилиди. Аммо бу ошқозон ярасини келтириб чиқариши мумкин.



Ваҳоланки халқ табобатидан маълум бўлган энг оддий муолажадан фойдаланиб бу муаммодан қутулиш мумкин.


Икки дона унчалик пишиб етилмаган (хомроқ) олма майдалаб тўғралгач, икки чой қошиқ асал қўшиб истеъмол қилинса тезда ошқозондаги оғирликни олади ва содага хожат қолмайди.

КАРТОШКА

Вазни меъёридан ошиқ бўлган инсонлар ҳар кунни қандай тайёрланганидан қатъий назар, қайнатиб, қовурибми фарқи йўқ, бир марта бўлсада помидор, пиёз ва қўқатлар қўшилган картошқадан истеъмол қилиб юрсалар вазнларини меъёрида сақлай оларканлар. Сабаби организм учун керакли бўлган барча моддаларни картошқадан олса бўларкан. Масалан, 15 кун давомида картошка истеъмол қилган киши 3-5 кг.гача вазнини камайтиракан.

ПОМИДОР

Тадқиқотчиларнинг фикрича, инсонлар кундалик овқатланишини помидорларсиз тасаввур қилмасдан тўғри қилишаркан. Чунки помидор ўзининг таркибидagi жуда кўп фойдали моддаларга, айниқса темир моддасига эга бўлиши билан саратон хасталиғи келиб чиқи-



шини олдини оларкан. Ундан ташқари жуда кўп хасталикларда доривор ҳисобланади. Масалан: қон томирлари бўртиб қолганда (варикоз) помидорнинг магзини томир устига суртиб боғлаб қўйиш тавсия этилади. Бир неча муолажадан сўнг энгиллик бўлганини сезиш мумкин.

Помидор яна шапқўрликда (қоронғида яхши кўрмаслик) ҳам яхши даво ҳисобланади. Бунинг учун қунига 2-3 дона яхши пишган помидорни қаймоқ билан истеъмол қилиш лозим.

Танада қоронғи миқдори камайиб, холсизланиш ҳолатларида ҳам яхши пишган помидор, айниқса Юсупов навлисини кунга бир неча марта ўзини ёки шарбатини истеъмол қилиш яхши натижа беради.

Помидор билан ҳатто могорлашни даволаш мумкин экан. Масалан, ёғи ҳидланадиганлар бармоқлари орасига помидорнинг магзини суртиб қўйиб, бир оздан сўнг қовиб ташласалар ва бу муолажани бир неча марта такрорласалар могорлашдан халос бўладилар.

ДИЛАФРУЗ ТАЙЁРЛАДИ



21 - Асли тошкентликман. **Ёшим 65 да.** Ажрашганман. Ишлайман. Оиламни моддий томондан таъминлай оламан. Ўзимнинг уй-жойим бор. Балад буйли, орасталликни ёқтирадиган, диёнатли эркекман. 60 ёшгача бўлган, пазанда, оқила, меҳрибон, фарзандларидан қутулган аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Назар ота

22 Тошкент шахрида яшайман. **Ёшим 36 да.** Ажрашганман. Маълумотим олий. Бир нафар ўғлим бор. Тадбиркорлик билан шуғулланаман. Уй-жойим бор. Оқила, пазанда аёлман. 45 ёшгача бўлган, оиласининг қадрига етадиган, зарарли одатлардан холи, уй-жойли, мард, эркек билан танишиб, турмушга чиқмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Нодира

23 Асли тошкентликман. **Ёшим 37 да.** Ажрашганман. Олий маълумотиман. Тадбиркорман. Кўркам кўринишли, диёнатли, жиддий эркекман. Уйим-жойим етарли. 32 ёшгача бўлган, чиройли, меҳрибон, уйим-жойим дейдиган, фарзандсиз аёлга уйланиш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.
Қодир

24 Асли тошкентликман. **Ёшим 40 да.** Бир қизчам бор. Ишлайман. Маълумотим олий. Уй-жойим бор. Ораста, саранжом-саришта аёлман. Уйдаги файзни ёқираман. 45-53 ёшгача бўлган, Тошкент вилоятидан бўлса ҳам, Тошкент шахрида ўзининг уй-жойи бўлган, жиддий, мустақил, оқил эркек билан танишиб, оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Васила

25 Асли тошкентликмиз. Қизимнинг **ёши 32 да.** Маълумоти олий. Ишлайди. Одобли, мулоим, камтар, саранжом-саришталикни ёқтиради. Пазандачиликни жойига қўяди. Яқинларига меҳрибон қиз. 45 ёшгача бўлган, ичмайдиган, чекмайдиган, виждонли, оғир вазмин, одобли, ўзининг уй-жойи бўлган йигитни қувв қилган бўлардик.
Манзилимиз тахририятда.
Фароғат

26 Асли тошкентликман. **Ёшим 45 да.** Аёлим вафот этган. Олий маълумотиман. Бир нафар ўғилчам бор. Ўз уй-жойим бор. Ўрта буйли, садоқатли, диёнатли, оғир-вазмин эркекман. 35 ёшгача бўлган, пазанда, оқила, чиройли, уйим-жойим дейдиган, фарзандсиз аёл билан оила қуриш мақсадида танишиб, уйланмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Дилшод

27 Асли сурхондарё вилоятиданман. 40 ёшданман. Бир ўғлим бор. Яхши жойда ишлайман. Кўп йиллардан буён ёлғизман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Моддий томондан оиламни таъминлай оламан. 50 ёшгача бўлган, сурхондарёлик, ўзининг уй-жойи бўлган, фарзандлари ташвишидан қутулган ёки ёлғиз яшайдиган, меҳрли, оқил ва жиддий эркек билан танишиб, оила қурсам, дейман.
Манзилим тахририятда.
Шамсиқамар

28 **Ёшим 51 да.** Тошкент шахрида яшайман. Турмуш ўртоғим вафот этган. Ўзимнинг уй-жойим, ерим бор. Топиш-тутишим яхши. Оиладаги тинчлик-хотиржамликни, шинамликни, мазали таомларни ёқтираман. Машинам бор. Асли тошкентлик, 40 ёшгача бўлган, фарзанд кўра оладиган, саранжом-саришта аёл билан танишиб, уйланмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Мансур

29 **Ёшим 60 да.** Асли тошкентликман. Аёлим қазо қилган. Ўғлим билан яшайман. Ҳали текиман. Оилам моддий томондан таъминланган. Уй-жойларимиз етарли. Ўзимнинг алоҳида уйим бор. 60 ёшгача бўлган, Тошкент шахрида яшайдиган, ёлғиз ёки фарзандлари ташвишидан қутулган, ораста аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Салим ота

30 Тошкент вилоятиданман. **Ёшим 43 да.** Тақдир экан, оилам билан ажрашиб кетдик. Ўзимнинг уй-жойим бор. Диёнатли, жиддий, инсофли, ҳалол ва меҳнатқаш эркекман. 35 ёшгача бўлган, оқила, пазанда, вафодор, турмушга чиқмаган ёки ажрашган, бир қизчали аёл билан танишиб, турмуш қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Шухрат

31 Асли хоразмликман. Лекин ҳозир Тошкент шахрида яшайман. **Ёшим 31 да,** ҳали турмушга чиқмаганман. Маълумотим олий. Нуфузли ташкилотлардан бирида ишлайман. Жиддий, кўркам қизман. 40 ёшгача бўлган, хоразмлик ёки тошкентлик, ўзининг уй-жойи бўлган, ўқимишли, оиласининг қадрига ета оладиган, диёнатли, ақлли, одобли йигит билан танишиб, турмушга чиқиш ниятидаман.
Манзилим тахририятда.
Асалоӣ

32 **Ёшим 34 да.** Асли Қашқадарё вилоятиданман. Ажрашганман. Фарзандим йўқ. Давлат ишида ишлайман. 45 ёшгача бўлган, уйим-жойим дейдиган, ўқимишли, иш жойи тайин, соғлом, Тошкент, Самарқанд ёки Қарши шахрида яшайдиган эркек билан танишиб, оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Эъзоза.

33 Асли сурхондарёликман. **Ёшим 43 да.** Ажрашганман. Маълумотим олий. Истарали, очиқ кўнгил аёлман. 50 ёшгача бўлган, Тошкентда яшайдиган, оиласини моддий томондан таъминлайдиган эркек билан оила қурмоқчиман.
Манзилим тахририятда.
Манзура

ҲАЁТИНГИЗ МАЗМУНЛИ БЎЛСИН!

- Тошкент шахриданман. Исмим Гулчеҳра, тахририятга опамнинг қизи, **26 ёшли** жияним учун келдим. Қани энди бахт йўллари очилиб кетса-ю, у бир яхши хонадонга келин бўлса...

34 - **Жиянингиз ҳали турмушга чиқмаганми?**
- Йўқ. Мактабни аъло баҳоларга тугатган. Урта-махсус маълумотли. Яхши жойда ишлайди. Пазанда, чеvar, мазаси оғизда қоладиган турли пишириқлар пиширадими, еган одам яна есам, дейди. Опамнинг оиласи зиёли, маҳалласида ўзига яраша обрў-эътибори бор. У қизининг умри ўтиб кетаётганидан, вақтида турмушга чиқмаётганидан сикилади.

34 да. У севиб-севилиб турмуш қурганди. Турмушларига ҳаммамнинг хаваси келарди. Аҳил-тотув яшаб, кетма-кет фарзандлар кўришди. Келиним икки қиз, бир ўғилни оқ ювиб, оқ тараб қўғирчоқдек қилиб, воғга етказаятганди. Аммо, ҳар нарсага чора бор экан-у, ўлимга чора йўқ экан. Кутилмаганда бешафқат ўлим навқирон келинимизни орамиздан олиб кетди.
- **Укангиз ёлғиз қолдимми?**
- Ҳа, болаларини бағрига босганча қон қақшаб, кўз ёш тўкиб қолаверди. Мана, шунга ҳам олти йил бўлибди. Ўша пайтларда уйланиши кераклигини айтсак, "Аёлимнинг руҳи бевовта бўлмасин, болаларим воёга етишсин, ўзларини ўнглаб олишсин", - дер эди.
- **Энди уйланмоқчимми? Ёки ўзин-**

- Биласизми, туғилган пайтида соғлом, дўмбоққина бўлган экан. Кейинчалик касал бўлиб қолганда, даволатишган. Шунда қандайдир дори кўзида асорат қолдирибди. Шу боис бир кўзида сал нуқсон пайдо бўлибди. Буни нуқсон деб ҳам бўлмайди. Чунки бир қараганда ҳеч нарса сезилмайди. Жуда тикилган пайтда бу салгина сезилади. Яхши оиланинг фарзандларидан кўп совчи келди. Лекин опам рози бўлмади.

- Нега рози бўлмади?
- Чунки кейинчалик борган жойида сал камчилигини сезиб қолишса юзига солишади. Кўнглини ўкситишларидан хавотирга тушаяпмиз. Шунинг учун биз жиянимни 35 ёшгача, ўзига ўхшаган бирор камчилиги бор, тошкентлик, ишлайдиган, оиласини таъминлай оладиган йигитга узатмоқчи эдик...

35 **гиз келавердингизми?**
- Тақдирга тан берди, шўрлик. Тенги топила, оила қуриш ниятида. Укам Тошкент шахрида устачилик билан шуғулланади. Унинг буй-баста келишган, диёнатли, меҳнатқаш йигит.

- У қаерлик аёлга уйланмоқчи? Хоразмлик бўлиши керакми?
- Қайси вилоятлик бўлса ҳам майли. 34 ёшгача, Тошкент шахрида яшайдиган, меҳрибон, оқила, чиройли, уй-жойлик, ёлғиз ёки бир қизчаси бор аёл овоз берса, укамга келин қилган бўлардик..
Азизлар! Бахтини излаб, умид қилаётган, юқоридаги қаҳрамонларимиз билан танишмоқчи бўлсангиз, уларнинг манзиллари тахририятда.
БАСИРА ва ТАМАРА тайёрлашди.

«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам, ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам тахририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва қуввларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди. Шунингдек, ажрашганлар суд қарорининг нусхасини тақдим этишлари шарт.

Намоз вақтлари							
2008 м / 1429 ҳ							
Ражаб - июл							
Хуфтон	Шом	Аср	Туш	Куюш	Тонг	Июл	Ҳафта кунлари
21:32	20:02	18:02	12:27	4:53	3:13	7	Душанба
21:32	20:02	18:02	12:27	4:53	3:13	8	Сешанба
21:32	20:02	18:02	12:28	4:54	3:14	9	Чоршанба
21:31	20:01	18:01	12:28	4:55	3:15	10	Пайшанба
21:31	20:01	18:01	12:28	4:56	3:16	11	Жума
21:30	20:00	18:00	12:28	4:56	3:16	12	Шанба
21:30	20:00	18:00	12:28	4:57	3:17	13	Якшанба

Ўзбекистон Муусулмонлари идорасининг «ТАҚВИМ» китобидан олинди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 18:00. Босишга топширилди - 19:00
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Бош муҳаррир: 234-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20
Оила, табриклар, эълонлар: 233-04-50
Бўлимлар: 233-04-35, 234-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
Web-site: oilavajamiyat.uz
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот таркатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 632. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 9886
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 3 4 5 6 7 8